100 китоб тўплами

ҚОВУН ВА ТАРВУЗ ЕТИШТИРИШИ

16-китоб

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

Рустам МАМАТҚУЛОВ,
“Агробанк” АТБ бошқарув раиси.

УЎК 634.8.032:635.64
КБК 42.347
Қ 52

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчи:
М.У. Халимова – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Сабзавот, полиз экинлари селекцияси лабораторияси катта илмий ходими. қ.х.ф.н.

Тақризчи:
С.А. Юнусов – Тошкент давлат аграр университети Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси доценти қ.х.ф.д.

Лойиҳа иштирокчилари: У.Ф. Файзуллаев, М.С. Ҳайитбоев

Муҳаррир: Г.А. Чоршанбиева – Шарқшунослик университети таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси ўқитувчиси, таржимон.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ туҳфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021
© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021
© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7167-2-8

МУНДАРИЖА

Кириш.....7
Қовуннинг хусусиятлари.....10
Биологик хусусиятлари.....12
Морфологик хусусиятлари.....13
Қовун классификацияси.....18
Қовун навлари.....20
Тупроқ шароити.....28
Қовун етиштириш технологияси.....29
Ер танлаш.....31
Экиш муддати ва схемаси.....32
Парваришлаш.....33
Суғориш.....34
Ўғитлаш.....36
Қовуннинг касаллик ва зараркунандалари ва уларга қарши курашиш.....37
Ҳосилни йиғиш.....47
Лалми ерларда қовун етиштириш.....43
Йил давомида қовун маҳсулотини етиштириш усуллари.....45
Тарвузнинг хусусиятлари.....50
Биологик хусусиятлари.....52
Морфологик хусусиятлари.....53
Тарвуз навлари.....57
Тарвуз етиштириш технологияси.....60
Ерни танлаш.....61
Экиш муддати ва схемаси.....61
Парваришлаш 62

Суғориш.....62
Ўғитлаш.....63
Тарвуз касаллик ва зараркунандалари ва бегона ўтларга қарши курашиш.....64
Ҳосилни йиғиштириш.....73
Йил давомида тарвуз маҳсулотини етиштириш.....74
Қовун ва тарвуз мевасини сақлаш усуллари 79
Қовун мевасини қайта ишлаш усуллари.....82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....86

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон қарори билан 2021 йилгача пахта ва буғдой майдонларининг қисқариши ҳисобига сабзавот майдонлари 91 минг гектарга кўпаяди. Шу билан бир қаторда такрорий муддатда буғдойдан бўшаган майдонларга (июнь-август) сабзавот ва полиз экинларини экиш йилдан-йилга ортмоқда.

Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари ва 30 ноябрь куни Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси йиғилиши баёни ижроси, шунингдек, Хоразм вилоятида қовун етиштирувчилар хўжаликларини ташкил этиш, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ишлар олиб бориш, инновацион технологиялар асосида қовуннинг очиқ майдонларда ва иссиқхонларда етиштириш, уни қайта ишлашни комплекс ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 февралдаги “Хоразм вилоятида қовун етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 114-сон қарори тасдиқланди.

Фермер ва деҳқон хўжаликларида юқори сифатли ҳосил олиш учун, аввало, ҳар бир экин биологияси унинг ўсиш даврида озиқа ва сувга бўлган талаби, етиштириш жараёнида ҳар бир агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли ўтказиш зарур. Деҳқончиликда ишлар, аввало, экинларни тупроқ турига қараб жойлашни режалаштиришдан бошланади. Экинларни жойлаштиришда, албатта, уларни

алмашлаб экиш кўзда тутилиши шарт. Экиш муддатларини тўғри белгилаш ҳам катта аҳамиятга эга. Экиш муддатлари бир ҳафта муддатга кечикса, ҳосилдорлик 20-25% га камаяди.

Республиканинг об-ҳаво иқлим ва тупроқ шароитига қараб ҳар бир вилоят учун ҳудудлаштирилган, мўл ҳосилли, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, касалликларга чидамли, сифатли уруғ ҳамда ҳар бир экиш муддати учун мос бўлган навларни тўғри танлаш лозим.

Дунё ҳамжамиятида ҳар соҳада тобора юксак ўринлардан мустаҳкам жой олиб келаётган янги Ўзбекистон, қишлоқ хўжалигида ҳам мисли кўрилмаган ютуқларга эришиб келмоқда. Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкинлиги ва шу элнинг бугунги кунидан мамнунлиги ҳамда эртанги кунига бўлган дадил ишончидан далолат. Юртимизда 2016 йилдан буён ҳар йили ўтказилиши анъанавий тусга кириб бораётган, “Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси”да, серқуёш заминимизнинг олтинга тенг тупроғида етиштирилган сархил мева, полиз ва сабзавотлари дунё аҳлини ўзига ром қилиб келмоқда. Бинобарин, Ўзбекистоннинг мева, полиз ва сабзавотлари ўзига хос ҳиди ва таъми билан ҳар қайси чет давлатларда етиштирилган худди шундай маҳсулотлардан анча юқори туриши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт салоҳияти ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда муҳтарам Президентимиз томонидан мева-сабзавот ҳамда полиз экинлари етиштириш учун аҳоли томорқа хўжаликларига ва фермер хўжаликларига ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳоли ва фермерларимиз даромади ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Республикамизда ҳар йили ўртача 60 минг гектардан ортиқ майдонга полиз экилиб, шундан 60-65% ни тарвуз,

35-38% ни қовун эгаллайди. Ўрта Осиё экологик-географик гуруҳига мансуб истеъмолбоп тарвуз навлари турли-туман популяциялардан иборат бўлиб, улар мевасининг турли ҳажмдаги, яхши сақланадиган, этининг майин, серсув ва ширин таъмли бўлиш хусусиятига эга.

ҚОВУН ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон кўпгина неъматлари қатори, ўзининг қовун-тарвузлари билан ҳам машҳур. Мирзачўлнинг тилими тилни ёрадиган қовунлари тилларда достон бўлган Оқуруғ, Амири, Обиновват, Кампирчопон, Бўрикалла, Гурвак, Кўк тинни, Кўкча-588, Шакарпалак, Гулоби, Кўк каллапўш каби қовун навларининг номларини эса чет элларда ҳам билишади.

Полиз ўсимликлари жумласига тарвуз, қовун ва қовоқ киради. Бу ўсимликларнинг ҳаммаси Қовоқгуллилар (Cucurbitaceae) оиласига мансубдир. Бу ўсимликларни битта гуруҳга бирлаштирадиган умумий белгилари уларнинг иссиқликка, ёруғликка, тупроқнинг физик хоссаларига, туроқдаги озиқли моддалар миқдорига нисбатан юксак талабчанлиги ва шунга асосланган агротехникасидир.

Қовун турли ўлкаларда етиштирилади. Аммо серқуёш юртимизда пишган қовунларга тенг келадигани бошқа ерда йўқ. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида: “Бухоро қовунича кўп ва хўп қовун бўлмас. Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечун унутқай. Бу фурсатда қовун келтуруб эдилар кесиб егач, ғариб таъсир қилди. Тамом йиғлаб эдим”, деб ёзган.

Машҳур венгер сайёҳи Херман Вамбери эса: “Хива қовунларига тенг келадиган қовун Осиёда эмас, дунёда ҳам топилмайди. Европаликлар унинг хушбўй таъмини тасаввур ҳам қила олмайдилар. Нон билан ейилганда эса у ажойиб таомдир”, деб ёзади.

Қовун – жуда қадимий экин бўлиб, Кичик Осиё, Эрон, Афғонистон ҳамда Ўрта Осиё ҳудудлари унинг ватани

ҳисобланади. Мевасидан истеъмолда янгилигича, фармацевтикада ва саноатда қайта ишлаш учун хомашё ҳамда чорвачиликда озуқа сифатида фойдаланилади.

Ўзбекистон қовуннинг C. melo L.ssp. Riqidus Panq. тури шаклланган қадимги Марказ ҳисобланади.

Қадимдан Марказий Осиёда халқ табобатида сил, бронхит, ревматизм, подагра, камқонлик касалликлари, юрак, жигар, атеросклероз касалликларига даво топишда қовун меваларидан фойдаланиб келинган. Қовун инсон организмининг асаб тизимига тинчлантирувчи таъсир кўрсатиши аниқланган. Қовуннинг доривор хусусиятлари замонавий тиббиёт илми томонидан ҳам тасдиқланган. Уни истеъмол қилиш кўплаб физиологик жараёнларни бошқаришга ёрдам беради. Қовун уруғи дамламалари йўтал, тери ва тош касалликларни даволашда ишлатилади. Қовун уруғида 25-30% гача мой сақлаб, бир гектардан ўртача 22 тонна ҳосил олинганда 90-100 кг мой ҳам олиш мумкин.

Қовуннинг бунчалик серхосиятлилиги унинг таркиби фойдали моддаларга бойлигидадир. Ўлкамизда етиштириладиган қовунларнинг таркибида 85-92% сув, 8-15% қуруқ модда, 0,8% оқсил, 1,8% клетчатка, 6,2% бошқа углеводлар, 0,9% мой, 0,6% кул, 20-30 мг% аскорбин кислотаси, 0,03-0,07 мг% бошқа дармондорилар, фосфор, олтингугурт, марганец, рух, бром, темир, кальций, магний, калий, пектин каби микроэлементлар, органик ва минерал тузлар мавжуд. Ўзбекистон қовун навлари меваларидаги қанд моддаси миқдори 14-16% га етади. Таркибида фруктоза моддаси миқдорининг кўплигида қовун эти ширин, глюкоза моддаси кўпроқ бўлганда нимширин таъмга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирли-

гининг эндокринология институти ҳар бир киши ҳар куни 270 г полиз мевалари, жумладан, 100 г тарвуз, 150 г қовун ва 20 г қовоқ истеъмол қилишини тавсия этади. Модомики, шундай экан қовун маҳсулоти ассортиментини кенгайтириш меваси ҳар хил муддатларда пишадиган, серҳосил навларни жорий этишни талаб қилади.

БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Барча полиз экинлари жанубдан (қовун Кичик Осиё билан Ўрта Осиёдан) келиб чиққанлигидан иссиқсевардир. Қовуннинг уруғи +14-16 °С да уна бошлайди. Ҳарорат бундан пасайганда уруғлар ерда чириб қолади, сийрак униб чиқади. Шунинг учун полиз экинларини жуда эрта – ер қизимасдан экиш мақсадга мувофиқ эмас.

Уруғнинг униб чиқиши учун мақбул ҳарорат +20 °С ҳисобланади. Сутка давомида ҳарорат +15-32 °С атрофида ўзгариб туриши мумкин. Ана шундай ҳароратда уруғ экилгандан кейин 5-6 кунда майсалар кўрина бошлайди. Ҳароратнинг пасайиши майсаларнинг униб чиқишини пасайтиради.

Қовуннинг ўсиб ривожланиши учун қулай ҳарорат +25-30 °С ҳисобланади. Ҳарорат +12-15 °С гача пасайса, экинларнинг гули тўкилиб кетади, улар ўсишдан тўхтайди ва секин-аста қуриб қолади. 0 °С ёки -1 °С полиз экинлари майсаларини ёппасига нобуд қилади. Ҳарорат -3-5 °С га тушиб қолса, вояга етган ўсимликлари ҳам зарарланади.

Қовун ёруғсевар ўсимликдир. Сояда улар секин ривожланади ва натижада ҳосилдорлиги пасайиб кетади.

Шунинг учун уларни соялаб қўядиган ўсимликлар билан бирга ёки мева боғлари қатор ораларига экиш тавсия этилмайди.

Қовун ўсимлигининг ерга ёйилиб ўсадиган палаги 2-3 метргача етади. Барглар қўлтиғидан жингалаклар ўсиб чиқади. Ўсимлик шулар ёрдамида атрофдаги нарсаларга илашиб олиб, ер юзасидан юқори кўтарилади.

МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Илдизи

Қовуннинг илдиз тизими кучли ривожланган, асосан ўқ илдиз ҳамда ён илдизлардан иборатдир.

Одатда қовуннинг ўқ илдизи, ён илдизларига қараганда камроқ ривожланган бўлади. Ўсиш давринининг охирида илдиз бўғзи 5-6 см йўғонликда, ундан пастроқда эса икки баравар ингичкалашади, 1 м чуқурликда эса ўқ илдиз 0,4 см йўғонликда бўлади.

1-Расм. Гуллаш даври, 2-мева тугиш, 3-мева пишиш даври

Биринчи даражали ён илдизларнинг сони 10-15 та бўлиб, улар тубининг диаметри 0,2-0,4 см, узунлиги эса 2-3 м га етади, улар қовун палагининг йўғонлигидек бўлади.

Ён илдизлар тупроқда ҳар хил жойлашади. Айрим навларнинг илдизлари 15-25 см чуқурликда ёнига тарқалади, фақат илдизнинг учидаги қисмигина тупроққа 1,5 м чуқурликда тарқалади, баъзи навларнинг ён илдизлари ёнига жойлашмайди. Илдиз тизими ривожланиши қовун навларининг ташқи муҳит шароитига, тупроқ таркиби, унумдорлиги, озиқланиш майдони, юмшоқлиги ва намлигига боғлиқ.

ПОЯСИ

Қовуннинг палаги бақувват бўлиб, ер бағирлаб ёки чирмашиб ўсади, ундан 3-4 та тартиб шохлар ўсиб чиқади ва узунлиги 3-4 м га, палагидаги ҳамма шохларнинг ўртача узунлиги 20-25 м га етади.

Навларга боғлиқ ҳолда ҳар тупда 200-400 та йирик (узунлиги 15-16 см, кенглиги 26-28 см) яхлит ёки қирқимли, кунгирали барглар бўлади. Барг япроқлари қовун навига ва ташқи муҳитга қараб 12-15 см ли барг банди пояларда навбат билан жойлашади.

2-Расм. 1 Оналик гули, 2 оталик гули

ГУЛИ

Қовун бир уйли, айрим жинсли ўсимликдир, баъзан икки жинсли ўсимликлари ҳам учрайди. Икки жинсли ўсимликларда оналик гуллари алоҳида, оталик гуллари эса гулшода ҳолида, барг қўлтиқларида пайдо бўлади. Гултожи сариқ, беш

тожибаргли, оталикларида чангчилари сони бешта битта эркин ва тўртаси жуфт-жуфт бўлиб бирга қўшилган бўлади. Оналик гулларида тугунча, устунча ва тумшуқча аниқ ажралиб туради, чангдонлари икки уйлилари гермафродит ҳисобланади, пастдан найчалайди (илдизга яқин жойдан). Оналик гуллари 1-2 тадан, оталик гуллари 5-15 донадан гулдаста ҳолда бўлади. Оталик гуллари бир кун яшайди, оналик гуллари эса 2-3 кун яшайди, чангланган сўнг мева ҳосил бўлади.

МЕВАСИ

Қовун меваси кўп уруғли – сохта мева ҳисобланади. Катталиги навига, турига, шаклига, рангига қараб ҳар хил бўлади. Уруғлари уруғ туткичлари билан мева ўртасидаги бўшлиқда жойлашади ва уни тўлдириб туради.



ҚОВУН ШАКЛЛАРИ
1-япалоқ;
2-думалоқ;
3-овалсимон;
4-элипссимон;
5-тухумсимон;
6-урчуқсимон;
7-цилиндрсимон.

ҚОВУН СИРТИ

1-силлиқ;
2-ғадир-будур;
3-нотекис;
4-тилим-тилим;
5-ажинли;
6-чуқур тилим-тилим.



Қовун сиртидаги суратлар:

1-суратсиз, 2-бирламчи тор йўллар, 3-бирламчи тор узуқ-узуқ йўллар, 4-қўш тор йўллар, 5-қўш тор узуқ йўллар, 6-кенг қўш йўллар билан биргаликдаги тасмачалар, 7-қўш кенг, кам узуқ-узуқ йўллар, 8-кичик камёб доғлар, 9-йирик тўқ доғлар, 10-йирик камёб доғлар, 11-йирик тўқ доғлар, 12-йирик камёб доғлар, 13-йирик тўқ доғлар, 14-учламчи ранг, 15-йирик тўқ нуқтасимон доғлар, 16-йўлларсиз тасмачалар.



ҚОВУННИНГ ТЎРЛАНИШИ
1-майда ёриқлар;
2-йирик ёриқлар;
3-майда катакли тўр;
4-йирик катакли тўр;
5-дағал ғадир-будурсимон тўр.



ҚОВУН ЭТИНИНГ РАНГИ
1-қизғиш;
2-оч қизғиш;
3-оқ;
4-яшил оқ;
5-яшил;
6-қаймоқ ранг;
7-қизил-қизғиш;
8-пушти.

УРУҒИ

Қовун уруғи ҳарорат +15 °С дан юқори бўлганда 5-7 кунда, +25-30 °С га етганда 48 соатда қийғос униб чиқади ва ҳарорат +40 °С дан ошганда эса уруғ унмайди.

Қовун уруғи тўқ сариқ, оқиш, оч қаймоқ рангли, чўзиқ ва кенг овал шаклда, майда-йирик бўлиб, узунлиги 14-28 мм, 1000 дона уруғ оғирлиги 40-80 г Уруғ унувчанлиги 8-10 йил сақланиши мумкин.



Уруғдон шакли ва жойлашиши:
1-оқиб тушадиган;
2-қуруқ, бирикиб кетмаган;
3-қуруқ, бириккан;
4-қуруқ, ички томондан очиқ;
5-кубоклашган.

Қовун уруғининг шакли:
1- майда;
2- ўрта;
3- йирик;
4- олма уруғсимон;
5- тор учли тухумсимон;
6- кенг учли тухумсимон;
7- наштарсимон.

ҚОВУН КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Қовун cucumis melo L туркумига мансуб ўсимлик. А.И. Филов таклиф этган классификациясига кўра, C meloL тури еттита кенжа турга бўлинади.

Маданий қовунлар:

1. Ўрта Осиё қовунлари.
2. Кичик Осиё қовунлари.
3. Европа қовунлари.
4. Илонсимон қовунлар.
5. Хитой қовунлари.
6. Ярим маданий қовунлар.

7. Маданийлаштирилмаган қовунлар.

Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларда, асосан, Ўрта Осиё кенжа турига мансуб қовунлар экилади. Булар ўз навбатида яна беш хилга бўлинади:

1. Ҳандалаклар – эртапишар, мевалари ўртача ширин, юмалоқ, майда.

2. Эти юмшоқ ёзги қовунлар – ўртапишар, меваси серқанд, овал шаклда, ўртача қаттиқликда ва йирик.

3. Эти қаттиқ ёзги қовунлар – ўртапишар, меваси серқанд, эти карсиллайди, чўзинчоқ шаклда, унчалик йирик эмас.

4. Кузги қовунлар – кечпишар, меваси узоқ сақлашга (3 ой) яроқли, йирик, тухумсимон, серқанд.

5. Қишки қовунлар – кечпишар, меваси жуда узоқ (6 ойгача) сақланади, сақлаш вақтида етилади, йирик, чўзинчоқ шаклда, ширадорлиги ўртача.

Ўзбекистонда тарқалган қовун турларининг ўсиш даври, мевасининг вазни ва сифати

Тур	Мева етилиш куни	Вазни, г	Қанд миқдори,%	Консистенцияси
Ҳандалак	55-65 75-80	0,3-1,0 1,4-5,0	5-6 7-10	сersув юмшоқ
Амири	67-70 80-90	1.0-2.5 3.0-8.0	8-13 8-15	юмшоқ карсилдоқ
Кассаба	70-75 95-105	1.0-2.0 2.0-2.5	7-13 8-16	сершира майин
Зард	85-100 90-120	2.5-3.5 5.0-10.0	9-11 10-12	тиғиз

Қовун навлари

Маҳаллий сариқ ҳандалак. Эртапишар нав, ўсиш даври 60-65 кун. Палаги ўрта. Барги буйраксимон, ўрта ҳажмли. Мева юзаси бир оз тилим, ранги сариқ, вазни 0,8-2,0 кг, пўсти юмшоқ. Эти сарғиш, ўрта қалин, ғоваксимон, ширали, майин, ширин. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 6,1-7,8%. Ҳосилдорлиги 14-25 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ёмон.

Кўк каллапўш. Эртапишар нав, ўсиш даври 70-75 кун. Палаги ўрта. Барги буйраксимон, йирик ҳажмли. Меваси думалоқсимон ёки япалоқсимон, вазни 3,0-3,5 кг, юзаси бир оз тилим-тилим, оқиш-яшил рангли, тўри кам, пўсти қаттиқ. Эти оқ, қалин, тиғиз, тотли. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 6,2-8,6%. Ҳосилдорлиги 20-25 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ёмон.

Кичкинтой. Эрта-ўртапишар нав, ўсиш даври 75-80 кун. Палаги бақувват, сершох. Барги қалин, тўқ яшил рангли, қирқимли. Меваси шарсимон, ўртача, вазни 0,8-1,2 кг, юзаси текис, сариқ рангли, тўлиқ майин тўр билан қопланган. Эти оч яшил, тиғиз, майин, ёқимли ҳиди бор. Қанд миқдори 14,4%. Ҳосилдорлиги 19-22 т/га. Ун-шудринг касаллигига чидамли.

Оби-новвот. Ўртапишар нав, ўсиш даври 70-78 кун. Палаги ўрта. Барги буйраксимон, ўрта ҳажмли. Меваси кенг элипссимон ёки думалоқсимон, ўрта ҳажмли, вазни – 3,0-4,0 кг, юзаси бир оз ажинли, қизғиш сариқ рангли, тўри қисман қопланган, пўсти қаттиқ. Эти оқ, қалин, ширали, эрувчан, ширин, хушбўй. Таркибидаги қанд моддаси миқдори – 7,4-9,3%. Ҳосилдорлиги 18-25 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ёмон.

Кўктинни-1087. Ўртапишар нав, ўсиш даври 80-85 кун. Палаги узун, барги буйраксимон. Меваси цилиндрсимон, вазни 3,5-6,0 кг, юзаси силлиқ, оч яшил рангли, ўрта катакли, дағал, пўсти қаттиқ. Эти оқ, қалин, карсиллайдиган, ширин. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 8-11%. Ҳосилдорлиги 22-26 т/га. Ташишга чидамлилиги яхши. Сақланувчанлиги ўрта.

Оқ уруғ-1137. Ўртапишар нав, ўсиш даври 80-88 кун. Палаги ўрта. Барги буйраксимон, қирқилмаган. Меваси чўзинчоқ, вазни 4,0-7,0 кг, юзаси силлиқ, мевабанд қисми яшил ва юқори қисми салкам оқ тусли, пўсти ўрта қаттиқ. Эти оқ, қалин, кам толали, кам карсиллайдиган, ширали, кам ҳидли. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 8,2-9,4%. Ҳосилдорлиги 25-35 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги ўрта.

Шакарпалак-2580. Ўртапишар нав, ўсиш даври 80-90 кун. Палаги ўртача. Барги юмалоқ-юраксимон, ўрта ҳажмли.

Меваси цилиндрсимон-элипссимон, вазни 3,0-4,0 кг, юзаси силлиқ, оқ-қизғиш, тўри остида майда яшил доғлар бор, тўри тўла, пўсти қаттиқ. Эти қизғиш, ўрта қалин, ўрта толали, карсиллайдиган, ширали, ширин, ванил ҳидли. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 9,0-11,0%. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги яхши.

Суюнчи-2. Ўртапишар нав, ўсиш даври 83-87 кун. Меваси чўзинчоқ-тухумсимон, вазни 2,0-2,5 кг, юзаси силлиқ, тўри тўлиқ, майда катакли, қовунга кулранг тус беради, пўсти оқиш-лимон ранг, қўшалоқ жимжима йўли бор. Эти қизил, карсиллайди, серсув, ширин. Таркибида қанд миқдори 10,6-11,8%. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Ун-шудринг касаллигига чидамли.

Зар гулоби. Ўрта кечпишар, ўсиш даври 100-105 кун. Палаги кучли ўсувчан. Барги юраксимон, чети қиррали, яшил рангли. Меваси тухумсимон, вазни 5-6 кг, юзаси силлиқ, мева бан-

ди томони бироз сегментлашган ва тўр билан қопланган, сарғиш-яшил рангли, пўсти ўрта қалин. Эти оқ, қалин 7-8 см, ярим карсиллама, сақлов даврида эти юмшоқ, серсув, эрувчан. Таркибидаги қанд моддаси миқдори 12-14%. Ҳосилдорлиги 40-45 т/га.

ҚОВУН ВОҲАЛАРИ

Ўзбекистон қовуннинг C. melo L.ssp. Riqidus Panq. тури шаклланган қадимги Марказ ҳисобланади. Табиий иқлим ҳамда қовун ўстиришдаги ўзига хос агротехника усулларига қараб Ўзбекистонда қуйидаги қовунчилик ҳудудлари мавжуд: Хоразм, Тошкент, Фарғона, Зарафшон.

Шимолий ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти). Хоразм воҳаси Марказий Осиёнинг текислик қисмини қамраб олган кенг Турон музофотининг шимолий қисмида жойлашган. У Амударё қадимий дельтасининг чап қирғоғини эгаллаган. Унинг шарқий чегараси Тошкаса ясси тоғлиги бўлса, ғарбий сарҳади эса Туркманистон билан чегараланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қовун асосан суғориладиган ва шўрланган (ювиладиган) ерларда ҳамда чўл минтақасининг ўтлоқи тупроқларида экилади.

Хоразм воҳаси – энг қадимий ва машҳур қовунчилик воҳаларидан бўлиб, қовуннинг нав таркиби, айниқса, қишки навларга бойлиги билан ажралиб туради.

Хоразм воҳасида аввалдан ва ҳозирда етиштирилиб келинаётган навлар турли етилиш гуруҳларини намоён этади.

Ҳандалаклар. Оқ каллапўш, Замча, Оқ замча, Ола замча, Заами, Кўк замча, Қора замча, Сариқ замча, Қизил замча, Туркман заами, Босқовун, Дуйнак, Маҳаллий сариқ ҳандалак, Ҳандалак Кўкча-14, Тарнак, Урганжи.

Юмшоқ этли ёзги навлар. Амири, Аллака, Хоразм оқ-новвоти, Оқ гурвак, Ола гурвак, Босволди, Кўк гурвак, Қора гурвак, Мулласапо.

Қаттиқ этли ёзги навлар. Оқноввот, Оқсут, Олагеке, Ола пўчоқ, Бақираман, Бекзоди, Бизота, Тарвуз қовун, Кўкча, Жийдагул, Жийда япроқ, Туркман ич қизили, Нонгўшт, Тўрлама, Хитойи, Хитойи амири, Шакарпора, Ширинпўчоқ.

Кузги-қишки навлар. Оққош, Қишки оқпош, Маҳаллий олаҳамма, Амударё, Саховат, Оқ гулоби, Олма гулоби, Олмурти гулоби, Зарғалдоқ гулоби, Яшил этли гулоби, Чаржоу гулобиси, Гулоби Хоразмий, Зар гулоби, Қора гулоби, Қизил гулоби, Кўк гулоби, Сариқ гулоби, Шаббози гулоби, Бешак гулоби, Маҳаллий бешак, Қишки бешак, Шоббоз бешак, Шимбой бешак-151, Қора бешак, Қизил бешак, Қиличбой бешак, Қўтир бешак, Тўрноввот бешак, Ҳамма бешак, Хива бешак, Хўжайли бешак, Ширин бешак, Бижир, Қишки бўриқовун, Гурлан, Етти япроқ, Қорагул, Қорақовун, Маҳаллий қорақанд, Қорақош, Қорақўтир, Қариқиз, Маданий замон, Мулласапо, Наврўзбой, Турнановвот, Тўёна, Туяқовун, Шакарпора, Шойиқовун.

Фарғона водийси (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари). Ўзбекистоннинг шарқий қисмида жойлашган Фарғона водийси Чотқол ва Фарғона тоғ тизмалари қуршовида Фарғона водийсини ташкил қилади.

Қовун бўз тупроқ, ўтлоқи, ботқоқи-ўтлоқи, шўрланмаган ва турли даражада шўрланган ерларда етиштирилади. Қовунчилик, шунингдек, Марказий Фарғона чўлининг ўзлаштирилган майдонларида тарқалган.

Фарғона водийсида шимолий, шарқий, марказий ва ғарбий мавзелари бўлиб, улар бир-биридан тупроқ-иқлим шароитлари ва қовуннинг навлари хилма-хиллиги билан фарқланади.

Фарғона воҳасида етиштириладиган навлар таркиби етилиш муддатлари бўйича турличадир.

Ҳандалаклар. Оқ ҳандалак, Сариқ ҳандалак, Қорақош, Маҳалий сариқ ҳандалак, Печак ҳандалак, Тўр ҳандалак, Йирик ҳандалак, Бешак ҳандалак, Ҳандалак Кўкча-14, Чиллаки ҳандалак, Чиллаки қовун.

Юмшоқ этли ёзги навлар. Бешуруғ, Босволди, Фарғона бўрикалласи, Маҳаллий ғурвак, Маҳаллий дахбеди, Деҳқонсевди, Жўрақанд, Индамас, Камолкал, Обиноввот, Пар-пошо, Тошлоқи-862, Эскичопон, Кўк этли.

Қаттиқ этли ёзги навлар. Оққовун-557, Фарғона оққовуни, Оқтумшуқ, Оқуруғ, Андижон оқуруғи, Олача, Ажинли олача, Амири, Андархон, Арбакешка-1219, Сариқ ассати-3806, Зарғалдоқ Ассате, Барги-816, Бекзоди, Қора бекзоди, Беданақовун, Гурскетди, Давлатбой, Заркокил, Ўзбек ичқизили, Камол-814, Кўкқовун, Маҳаллий кўкча, Кўкча-588, Сариқпўчоқ, Қизил қовун, Камолкал, Кўкча, Фарғона кўкчаси, Кўктинни-1087, Фарғона кўктинниси, Олачақовун, Олтин водий, Роҳат, Оқ парсилдоқ, Қўнғир-кўк парсилдоқ, Суюнчи-2, Хитойи, Оқ этли шакарпалак-554, Қизил этли шакарпалак-2580, Ширали.

Кузги-қишки навлар. Оққош, Оққўл, Осма, Қоракўл, Олапўчоқ, Яшил гулоби, Кечки жўрақанд, Қора гулоби, Қорапўчоқ-3744, Қариқиз, Қирқма, Олақирқма, Узунқирқма, Қўйбош-476, Наманган қўйбоши, Мингбулоқ, Сариқ умрбоқий, Сертўр, Тўёна, Умрбоқий-3748, Хўкизкалла-3848.

Марказий ҳудуд (Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари). Тошкент воҳаси Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмини эгаллаган. Шимолда Туркистон тоғ тизмаси, шарқда Чотқол тоғ тизмалари силсиласи, шимоли-ғарбда эса Қизилқум чўли билан чегараланган.

Қовун кўп ёки кам даражада шўрланган оддий бўз, оч тупроқ ва ўтлоқи-бўз тупроқларда етиштирилади.

Тошкент воҳасида тарқалган навлар турли етилиш гуруҳларини намоён этади.

Ҳандалак. Оқ каллапўш, Гулсар, Заами, Кўкча, Маҳаллий сариқ ҳандалак, Ҳандалак Кўкча-14, Кичкинтой.

Юмшоқ этли ёзги навлар. Босволди, Бухарка-944, Дониёри, Маҳаллий ғурвак, Зарчопон F1, Сариққовун, Тошлоқи-862, Чиллаки, Обиноввот, Жўра қанд.

Қаттиқ этли ёзги навлар. Оқпар, Тошкент оққовуни, Оққовун-557, Оқуруғ-1157, Амири, Арбакешка-1219, Ассате-3806, Байтиқўрғон-424, Барги-816, Бекзоди, Қора бекзоди, Баргинази, Гулқовун, Давлатбой, Жўрақанд, Дутма, Ўзбек ичқизил-331, Йирик мевали ичқизил, Туркман ичқизили, Камолкал, Қизилуруғ, Кўктинни-1087, Лаззатли, Олтинтепа, Сариқпўчоқ, Олтин водий, Роҳат, Суюнчи-2, Хитойи амири, Оқ этли шакарпалак-554, Ширали.

Кузги-қишки навлар. Олапўчоқ, Осма, Бижир, Зарғалдоқ гулоби, Кўк этли гулоби, Сариқ гулоби, Қоракўл, Қорапўчоқ-3744, Қўйбош-476, Қирқма, Тошқовун, Тўёна, Умрбоқий-3748.

Зарафшон воҳаси (Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятлари). Қовун шўрланмаган ва турли даражада шўрланган: бўз, ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-чўл ҳамда ўтлоқи-тақир, шўрхок тупроқларда етиштирилади.

Қовунчилик асосан йирик аҳоли қўрғонларида, саноат марказлари ва темир йўл станцияларига яқин ҳудудларда ривож топган. Зарафшон воҳаси қовун навларининг таркиби хилма-хил бўлиб, ҳудудлар бўйлаб кескин фарқланади. Вилоятда тарқалган навлар тезпишарлиги бўйича турли гуруҳларни намоён этади.

Ҳандалак. Замча, Маҳаллий бўрикалла, Кўк каллапўш, Самарқанд маҳаллий ҳандалаги, Ҳандалак кўкча-14, Маҳаллий сариқ ҳандалак.

Юмшоқ этли ёзги навлар. Оқноввот, Оқзоғора, Яшил этли зоғора, Оқ этли зоғора, Когон зоғораси, Кўлёзи зоғораси, Оқ бўрикалла, Кўк бўрикалла, Кўлёзи бўрикалла, Магаски бўрикалла, Сариқ бўрикалла, Маҳаллий оқ этли босволди, Дониёри, Эртаги қўтир, Обиноввот, Маҳаллий Самарқанд обиноввоти, Маҳаллий оқ этли тошлоқи, Тошлоқи-862 ва Шофиркони.

Қаттиқ этли ёзги навлар. Олача, Маҳаллий оққовун, Амири, Оқ амири, Яшил этли амири, Майда мевали амири, Барги, Бекзоди, Лонда бекзоди, Вахарман, Маҳаллий даҳбеди, Оқ этли зармитон, Қизил этли зармитон, Йирик мевали ичқизил, Кўк тинни-1087, Кўкча-588, Кулихуштари, Олтин водий, Роҳат, Маҳаллий шакарпалак, Шерози.

Кузги-қишки навлар. Арконий, Оқ этли гулоби, Жўжабурун гулоби, Зарғалдоқ гулоби, Яшил гулоби, Зар гулоби, Кўк Чоржўй гулобиси, Лонда кўк гулобиси, Қора гулоби, Сариқ гулоби, Қалайсан, Маҳаллий қорақанд, Бухоро қорақанди, Қоракўл, Қорақанд, Маҳаллий қорақош, Қариқиз, Қандхом, Қўйбош-476, Оқ этли қўйбош, Лонда қўйбош, Кечки қўтир, Магаски, Мафтоби, Темиртирноқ, Тўёна, Маҳаллий оқ этли умрбоқий, Хўжамурот, Ҳасани.

Жанубий ҳудуд. Қовунчиликнинг жанубий воҳаси республиканинг жанубий ва жануби-ғарбий қисмини эгаллаган бўлиб, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларини ўз ичига олади.

Қовун бўз ва ўтлоқи тупроқларда, нафақат суғориладиган, балки лалми ерларда ҳам етиштирилади.

Жанубий ҳудуд қовунчиликнинг нав таркиби хилма-хил

бўлиб, лекин ўзининг ажойиб навлари кўп эмас.

Ҳандалак. Оқ каллапўш, Кўк каллапўш, Қорақош, Қорақашқа, Самарқанд сариқ ҳандалаги, Ҳандалак Кўкча-14, Маҳаллий сариқ ҳандалак.

Юмшоқ этли ёзги навлар. Босволди, Бўрикалла, Маҳаллий даҳбеди, Зарчопон F1, Қора бекзоди, Маҳаллий Самарқанд Обиоввоти, Тошлоқи-862.

Қаттиқ этли ёзги навлар. Оқоввот, Самарқанд оқоввоти, Оқ уруғ, Оқпар, Арбакешка-1219, Амири, Байтқўрғон-421, Бекзоди, Зармитон, Кўкча-588, Кули хуштари, Олтин водий, Олтинтепа, Роҳат, Урганжи, Шакарпалак-554, Шерози.

Кузги-қишки навлар. Ола пўчоқ, Аркони, Гулоби жўжабурун, Яшил гулоби, Зарғалдоқ гулоби, Самарқанд гулоби-си, Зар гулоби, Кўк гулоби, Гурлан, Қалайсан, Маҳаллий қорақанд, Қўйбош-476, Тириш, Тўёна, Умрбоқий-3748, Ҳасани.

ҚОВУН ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Уруғларни экишга тайёрлаш. Қовун етиштиришда юқори тоифа ва синфларга мансуб бўлиб, навдорлиги 99% ва унувчанлиги 90-95% дан кам бўлмаган уруғ экилади.

Уруғлар экишдан олдин ош тузининг 5% эритмасида бўктириб ивитилади. Натижада уруғларнинг тўқ ва йирик фракциялари сув остига чўкиб, майда ва пуч уруғлар сув бетига қалқиб чиқади. Сув остида қолган уруғлар олиниб тоза сувга чайқаб нами қочгунча қуритилади. Уруғларни +40-50 °С ҳисобида 3-4 соат қиздириб олинса, уруғларнинг касалликларга чидамлилиги ошиши билан бир қаторда оналик гуллар кўпайиб ҳосилдорликнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Уруғларнинг униб чиқиш қобилиятини ошириш учун экиш олдидан уларни рухнинг 1% ли эритмасида 12 соат ивитиб олинса, ҳосилдорликни 13-14% га, уруғ чиқишини 8,7% га ошириши илмий исботланган.

Кўчат етиштириш қовунни кўчати орқали етиштириш эрта ҳосил олиш омилидир.

Республика марказий қисмидаги вилоятларда қовун уруғларини махсус плёнка халтачаларга экиш 1-10 мартдан бошланади. Жанубий вилоятларда 10-15 кун олдин, шимолий вилоятларда эса 10-15 кун кеч бажарилади. Кўчатлар махсус кўчатхоналарда тайёрланади. Иссиқхоналар йўқ шароитларда кўчатларни етиштириш учун чуқурлиги 0,8 см, кенглиги 1,0-1,2 м ва узунлиги ихтиёрий равишда хандақлар қазилади. Хандақларга 15-20 см қалинликда чиримаган гўнг, унинг устига 20 см қалинликда эланган тупроқ солинади ва полиэтилен плёнка тортилиб, ҳар 10х10 см оралиқда тешиб чиқилади.

Қовун кўчатини етиштиришда плёнка халтачалар ҳажми 10х10 см бўлиб, уларга 40% гўнг + 40% тупроқ + 20% ёғоч, шоли қипиғи аралашмаси ёки биогумус солинади. Сўнгра стаканлар яхшилаб намлаб суғорилади ва 2-3 донадан бир кун ивитилган уруғлар ташланиб, устидан 2 см қалинликда чиринди солинади.

3-Расм. Қовунни кўчатидан етиштириш

Стаканлар қўйилган хандақлар устига симдан тайёрланган ёйлар қадаб чиқилади ва полиэтилен плёнка билан ёпилади. Иссиқликни сақлаш учун 2 қаватли термос шаклида ёки плёнка устига тўшамалар ёпиш мумкин. Плёнка қопламалари тагига техника хавфсизлиги чораларига амал қилган ҳолда ёриткич мосламалари ёки электр иситгичлар қуйиб иситиш ҳам мумкин.

Уруғ униб чиққунча ҳарорат кундузи +23-25 °С даража, кечаси +14-15 °С даража, уруғ униб чиққандан сўнг ҳарорат +18-20 °С даража илиқ бўлиши керак. Бунда ўсимлик бақувват бўлиб ўсади. Уруғлар униб чиққандан сўнг 3-4 кунлик кўчатлар 2 донадан қолдирилиб ягона қилинади.

Кўчат ўстирилаётган жараёнда 2 марта минерал ўғитлар эритмаси билан озиқлантирилади. Биринчи озиқлантириш 1-2 та чинбарг ҳосил бўлганда 10 л +18-20 °С ли сувга 5-6 г азотли, 8-10 г фосфорли, 5-10 г калийли маъдан ўғитлари аралаштирилиб ёки Кристалон N18 P18 K18 10 л. сувга 10 гр. ҳисобида сепилади. Орадан 10-12 кун ўтгач, юқорида таъкидланган ўғитлар миқдорини 2 марта кўпроқ қўшган ҳолда ёки Кристалон N20 P20 K20 10 л. сувга 10 г ҳисобида иккинчи маротаба озиқлантирилади.

Очиқ далага экишга бир ҳафта қолганда кўчатхона дарчалари очилиб, ўсимликлар ташқи муҳитга чиниқтириб борилади.

Ер танлаш. Ўзбекистоннинг барча тупроқлари қовун ўстириш учун яроқли. Қовун ўсимлиги қуёш нури ҳамиша тушиб турадиган, унумдор енгил қумоқ бўз тупроқли ерларда яхши ўсиб, сифати юқори ҳосил беради ва фузариоз сўлиш касаллигига кам чалинади. Ўтлоқли ерларда қовун экини мўл ҳосил бермайди.

Алмашлаб экиш. Қовун экини учун энг яхши ўтмишдош экин бу ғалла ва бедадир. Эскидан ўзлаштирилган ерларда қовун экини карам, сабзи, маккажўхори ва шолидан кейин

экилса фузариоз сўлиш касаллигига кам чалинади ва ҳосилдорлик ошади. Бир далага қовун 1-2 йил экилгандан кейин, у ерга 5-7 йилдан сўнг қайта экиш мумкин.

Қовунчиликда ерни экишга тайёрлаш кейинги барча технологик чора-тадбирларнинг яхши наф беришини таъминловчи муҳим шартдир. Кузда 35 см чуқурликкача шудгор қилинади. Ерни ҳайдаш олдидан маъдан ва органик ўғитлар берилади.

4-Расм. Қовун экишдан олдин ерни тайёрлаш

Баҳорда тупроқда намни сақлаб қолиш учун дала тишли бороналар билан бороналанади, экиш олдидан эса чизелланади.

Қовун эрта муддатларда экилганда ерни баҳорда қайта ҳайдашнинг ҳожати йўқ. Экинлар кечки муддатларда экилганда ерни қайта ҳайдаш зарур. Бунда тупроқни ағдармасдан туриб, 22 см чуқурликда ҳайдаб чиқилади.

ЭКИШ МУДДАТИ ВА СХЕМАСИ

Қовун экини уруғининг униб чиқиши экиш муддатини тўғри белгилашга боғлиқ. Ўзбекистоннинг марказий вилоятларида қовуннинг эртачи навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнгача; жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелга-

ча, ўртагиси 10-20 апрелда, кечкилари эса 10-20 июнда экилади. Шимолий вилоятларда эртачи қовунни 20 апрелгача, ўртагисини 25 апрелдан 10 майгача, кечкисини 20-30 майда экиш лозим.

Қовун уруғини ер ҳарорати +14-16 °С га етганда экишга киришилади. Қатор ораларига 210-270 см ли кенг эгат олинади. Бундай эгатлар қовун экилган қатор ораларини ишлаш вақтида тўрт ғилдиракли тракторларни ишлатишга имкон беради. Экиш шакли қовун нави ва шароитга қараб (210+70):2х70см, (270+90):2х70см, уруғлар 3-6 см чуқурликка экилади, 1 га ерга қўлда экилганда уруғ ҳажмига қараб 2,5-3,0 кг, қаторларга экадиган сеялка билан экишда 5-6 кг уруғ сарфланади.

5-Расм. Қовунни уруғидан экиш жараёни

Парваришлаш. Парваришлаш ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиқлантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашишни ўз ичига олади.

Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда ва иккинчиси биринчи чопиқ вақтида ўтказилади. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан бир қаторда ораларини юмшатишга киришилади.

6-Расм. Қовун экилган майдонларда биринчи агротехник тадбирлар.

Ниҳоллар униб чиққач 20-25 кун ўтказилиб, иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, сув берилади, озиқлантирилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Ўсиш даврида қатор оралари 4-5 марта культивация қилинади ва палаклари пуштага тўғрилаб турилади.

Суғориш. Қовун илдизлари жуда кучли ўсиб тупроқнинг 3, ҳатто 5 метр чуқурликдаги қатламигача таралади, диаметри эса 8-10 м га боради. Шунинг учун ҳам қовун қурғоқчиликка ўта чидамлилиги билан бошқа экинлардан ажралиб туради. Чунки уларда илдиз тукчаларнинг сўриш кучи юқори бўлиб, тупроқ унча нам бўлмаса ҳам мавжуд намдан фойдаланиш қобилиятига эга. Шу сабабли қовун экини сув буғлантирадиган барг шапалоғининг катталигига қарамай, Марказий Осиёнинг лалми ерларида бемалол ўсиб, дурустгина ҳосил бераверади. Қурғоқчиликка чидамлилиги жиҳатдан қовун тарвуздан кейинги ўринда туради.

7-Расм. Қовун экилган майдонларни суғориш агротехникаси.

Қовун экинлари қурғоқчиликка жуда чидамли бўлишига қарамай, Ўзбекистон шароитида уларни суғориб парваришлаш керак. Бироқ ҳаддан ташқари сернам тупроқ қовун экинига салбий таъсир этади. Сернам тупроқда мевадаги қанд моддаси камаяди, мева майдалашиб ҳар хил замбуруғ касалликларига, жумладан, фузариоз сўлиш касалига чалинади.

Қовуннинг суғориш вақтини тўғри белгилаш учун тупроқ намлигига ҳам эътибор бериш лозим бўлиб, бунда ҳайдалма қатлам устидаги нам сиғими гулга киргунча 55%, ундан кейин 65% бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг кўпчилик туманларида қовун экини суғориладиган ерга экилади. Бўз тупроқли ерларда ўсиш даврида экинларнинг ҳар гал гектарига 400-500 $м^3$ ҳисобидан 8-9 марта суғориш кифоя. Сизот суви юза жойлашган далаларда эса бўз тупроқли ерларга қараганда камроқ, 4-5 марта суғорилади.

Ўсиш даврида қовун экинларини сув билан бир текис

таъминлаш ҳосилни ошириш гаровидир.

Майсалар кўрингандан кейин биринчи чопиққа қадар экинлар 1-2 марта суғорилади. Биринчи чопиқ тугалланган-дан кейин экин 20-25 кунгача сувдан қантарилади. Бу давр-да ўсимлик илдизининг чуқурроқ таралишига зўр беради, чопиқда илдизи кесилган бегона ўтлар тезроқ қурийди ва ниҳоят полизнинг найчалаши – мева тугиши тезлашади. Нав-батдаги сув иккинчи чопиқ олдидан берилади.

Шундан кейин қовун ҳосил тўплашга киришади ва улар-нинг сувга талаби ошади. Бинобарин, бу даврда полизни ҳар 10-12 кунда суғориб туриш керак. Қовун пиша бошлаши билан сув камроқ берилади. Ҳосил етилганда суғориш тўх-татилади, акс ҳолда қанд моддаси камайиб, узоқ сақлашга ярамай қолади.

Ўғитлаш. Қовундан юқори ҳосил олиш учун гектарига 225 кг азот, 225 кг фосфор ва 150 кг калий, органик ўғитлар-дан гектарига 25 тонна солинади. Йиллик меъёрга нисба-тан органик ва калийли ўғитларнинг ҳаммаси, фосфорнинг 70-75% и асосий шудгорга солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган 25-30% ва азотнинг 50% и экиш олдидан берилади: азотли ўғитнинг 50% экинлар уч-тўрт барг чиқарганидан кейин эгатларга 10-12 см чуқурликка солинади.

Ўсимликларни микроэлементлар билан озиқлантириш ҳосилдорликнинг (15,7-43,0%), кўтарилишига сабаб бўлади. Микроэлементлар таъсирида физиологик жараён яхшила-нади, палаклардаги мевалар сони ортади, қовунлар йири-клашади, ҳосилдорлик ортади. Ўсимликлар кучли таррақий этиши, баргларнинг йириклиги ва уларнинг ҳаётчанлиги кучайганлиги сабабли, ўсимликларнинг фузариоз (сўлиш) касаллигига чидамлилиги ортади. Микроэлементларнинг ўсимликларга 2 марта таъсир эттирилиши жуда фойдалидир.

Биринчи марта уруғлар 12 соат давомида микроэлементлар эритмасида ивитилади. Иккинчи марта ўсимликлар гуллаётган вақтда микроэлементлар эритмаси пуркалади.

Уруғларни ивитишда 0,25-0,5%, ўсимликларга пуркашда 0,5-1,0% ли микроэлементлар эритмаси энг яхши концентрация ҳисобланади.

КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Ўзбекистонда кўп учрайдиган энг кўп зарар келтирадиган қовун касалликлари ризоктониози, фузариоз сўлиш, ун-шудринг ва бошқалар, зараркунандалардан қовун майса пашшаси ва қовун пашшаси, полиз шираси, ўргимчаккана, кемирувчи кўккурт тунлами кабилардир.

Қовуннинг касалликларга чидамли навлари

Ун-шудринг касаллиги. Касалликда баргларнинг икки томонида ҳам оқ, сарғиш-қўнғир ёки қизғиш-кулранг, юпқа ғубор ҳосил бўлади, кейинроқ барглар сарғаяди, қўнғир тус олади ва қурийди. Ғубор баъзан ўсимлик поясида ва барг бандларида, кам ҳолларда меваларда учрайди. Замбуруғ ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтларда қишлайди. Ун-шудринг қовун ҳосилини далада 36-64% камайтириши мумкин.

Агротехникаси. Алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик. Кимёвий кураш – касалланган ўсимликларга таъсир этувчи моддаси (Манкоцеб+металаксил М) Ридомил голд МЦ 68% -2.5 кг/га, (Пенконазол) Топаз 10% к.э-0,25 л/га, Энто паз экстра 10% к.э.-0,25л/га, (Пропинеб) Антракол 70% н.кук. -2,0 кг/га ва бошқа фунгицидларни пуркаш тавсия этилади.

Қовунда кўп учрайдиган энг кўп зарар келтирадиган қовун зараркунандалардан қовун майса, пашша ва қовун пашшаси, полиз ширасы, ўргимчаккана, кемирувчи кўк қурт тунлами кабилардир.

Ўсимлик битлари (ширалар). Қовун ўсимлигида битларнинг бир неча

турлари мавжуд бўлиб, айрим йиллари ҳосилдорликни 50% гача камайтириши мумкин.

Кураш чоралари. Агротехник – алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик.

Биологик. Олтинкўзнинг 3-4 кунлик тухумини зараркунанда миқдорига қараб 1:10, 1:5 нисбатда чиқариш.

Кимёвий усул. (ацетамиприд) моспилан 20% н.кук, камилот 20% н.кук. нестор 20% н.кук– 0,15 л/га; (малатион) карбофос 57% эм.к.фуфанон – 1,2 л/га ва бошқа рухсат этилган дориларнинг бирортаси билан ишлов берилади.

Кузги тунлам – agrotis segetum den.et shif. Ушбу тунлам экиннинг ёш ниҳоллик пайтида поя бандини илдиз бўғзидан кемириб зарар келтиради. Республикамиз шароитида ҳамма жойда учрайди. Кузги тунлам эрта баҳорда эртачи экинлар, август-сентябрь ойларида эса кечки экинлар, жумладан, қовун ниҳолларини зарарлайди.

Кураш чоралари. Кузги шудгор ва ўсимликнинг ўсиш даврида юқори агротехника ишларини амалга ошириш. Биологик кураш. Кузги тунламининг жинсий феромонидан фойдаланиб, ҳар бир пайкалда унинг ривожланиш даражасини белгилаб трихаграмма кушандаси тарқатилади.

Киёвий кураш. Полиз экинлари ҳар бир м^2 да 1-2 тадан ортиқ кузги тунлам личинкаси аниқланганда амалга оширилади. Бунинг учун пиретироид инсектицидлар, айниқса, децис (0,7 л/га) трактор ёрдамида пуркаб, кетидан культивация ўтказиш ёки сув бериш яхши натижа беради. Иссиқхоналарда кўчат остига тайёр эритмани 100-150 мл. қуйиб чиқиш зарур.

Оққанот. Иссиқхона оққаноти (trialeurodesvatorariorum)Ўзбекистонда оққанотнинг 2 тури кенг тарқалган. Қовун, тарвуз, қовоқ ва бошқа экинларни жиддий зарарлайди.

Кураш чоралари. Агротехник: Алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик. Механик. Оққанот сонини камайтириш мақсадида сариқ экранлардан фойдаланиш. Биологик. Энкарзия паразитини 1:20, 1:10, 1:5 нисбатда қўллаш.

Кимёвий кураш: агарда оққанотларнинг миқдори кўп бўлганда қуйидаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади: (Бупрофезин) (аппловуд, саффлауд апплауд 25% н.кук. – 0,5 кг/га; (пирипроксифен) адмирал 10% эм.к. – 0,5 л/га;(ацетамиприд) комилот, нестер, энтоспилан, моспилан 20% н.к. –0,3 кг/га; (имидаклоприд) багира, вулкан, командор, конфидор 20% эм.к. – 0,3–0,4 л/га; препаратларнинг биротаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

Ўргимчаккана (tetranychis urticae koch)

Ўргимчаккана ҳаммахўр зараркунанда ҳисобланиб, у 250 дан ортиқ ўсимликларни зарарлаб, қовун ҳосилининг 50% га яқинини йўқотиши мумкин. Зараркунанда мева ва барг ҳужайрасининг ширасини сўриб озиқланади. Вақтида кураш тадбирлари ўтказилмаса барглар ва мевалар тўкилиб кетади. Ўргимчаккананинг катталиги 0,3-0,6 мм келади. Личинкасида 3 жуфт, нимфа ва имаголарида 4 жуфт оёқлари бўлади. Каналарнинг ривожланиши ёзда ҳар 8-12 кунда ўтса, кузда ва баҳорда 19 кунгача давом этади. Бир йилда 18-20 марта насл беради (Успенский, 1970). Урғочи зотлари иссиқхоналар, парникларда ўсимлик қолдиқларида якка-якка ҳолда ёки тўп-тўп бўлиб қишлайди.

Кимёвий кураш: омайт, 57% к.эм. - 1,5 л/га (етук зотига, личинкасига); ниссоран, 10% н.кук. – 0,1 кг/га (тухумига); флумайт, 20% сус.к. - 0,2 л/га (етук зотига, личинкасига); ортус, 5% сус.к. – 0,75 л/га (етук зотига, личинкасига); вертимек, 1,8% эм.к. – 0,3-0,4 л/га (етук зотига, личинкасига) қўллаш зарур.

Қовун пашшаси (miopardalis pardalina)

Қовун пашшаси май ойининг иккинчи декадасидан уча бошлайди. Она пашшалар қишловдан чиққандан сўнг 3-4 кун ўтгач, оталаниб тухум қўяди. Республикамиз шароитида 3-4 та насл бериб ривожланади. Қовун пашшаси полиз экинларининг ўсиш даврида оналик гули, тугунча ҳамда мевалариға тухум қўйиб, тухумлардан чиққан личинкалари мевалар

ичига кириб зарарлаши натижасида, олинадиган ҳосил истеъмолга яроқсиз холга келади. Полиз меваларининг қовун пашшаси билан зарарланганлигини ташқи кўринишидан аниқлаш қийин. Мева ичидаги личинкаларга қарши кимёвий кураш ўтказиш самара бермаслигини ҳисобга олган ҳолда, пашшаларга қарши курашни олиб бориш зарур.

Агротехникаси. Ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, чуқур шудгор қилиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кеч кузда суғориш ва ерларни яхоблаш, пашша кузатилган далаларга қовунни қайта экмаслик тавсия этилади.

Кимёвий кураш. Биринчи ишловни ўсимликнинг гуллаш давридан бошлаб, 3-4 марта пуркалади. Препаратлардан: Карбофос 50% к.э – 2 кг/га, Фуфанон 57% к.э – 1 кг/га, Пилигрим 24,7% к.э – 0,2 кг/га, Нестор 20% н.кук – 0,3 кг/га, Энджео 24,7% сус.к.-0,3л/га меъёрида алмашлаб пуркаш тавсия этилади. Препаратларнинг бирортасини 300 литр сувга аралаштириб ишлов бериш тавсия қилинади.

Кимёвий ишлов берилган далаларга 2-3 кун ўтказиб ўсимликни стрессдан чиқариш ва ривожланишини тезлаштириш учун таркибида гумин, фульво, гибберелл ва

озиқа моддалар комплекси (N,P,K) микроэлементлар таркибида бор ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи препаратларнинг бирортаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

ҲОСИЛНИ ЙИҒИШ

Қовун ҳосили пишиб етилганларини танлаб-танлаб икки-уч марта йиғиб олинади. Кечки муддатда экилган кечки навлар эса бир марта йиғиштириб олинади ва узоқ муддат сақлаш учун, далада узилгандан кейин 3-4 кун қуёшда тоблаб, сўнгра омборхоналарга жойланади. Ҳар 15-20 кунда маҳсулотлар ҳолати қараб борилади.

8-Расм. Қовунни техника ёрдамида йиғиштириш

ЛАЛМИ ЕРЛАРДА ҚОВУН ЕТИШТИРИШ

Ўзбекистон шароитида лалмикор ерларда қовуннинг ҳосилдорлигини ерда куз-қиш ва баҳор ойларида тушган нам миқдори белгилайди. Шунинг учун бу ерда қовун агротехникасида асосий эътибор тупроқда кўп намликни тўплаш ва уни тўла сақлаб қолишга қаратилиши керак.

Лалми полизчиликда ерни тўғри танлаш жуда катта аҳамиятга эга.

Бунда паст-текисликлардаги эриган қор ва ёмғир сувлари тўпланадиган, шунингдек, ёзда тупроқ намлиги жанубий қияликларга қараганда 1,5-2,0% юқори бўладиган шимолий ва шимоли-ғарбий қияликлардаги ерлар энг яхши ҳисобланади.

Полиз экинлари экиш учун кўп йиллик бегона ўтлардан (какра, янтоқ, тухумак) тозаланган майдонлар танланади. Бундай далалар, албатта, ғалла-дон экинларидан бўшаган далалар бўлади. Ерни экишга тайёрлаш кузда 20-22 см чуқурликда шудгорлаш ва баҳорда экин экиш олдидан қайта ҳайдаш ва бир вақтда мола босишдан иборат. Лалми полизчиликда экиш муддатини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга. Экиш муддати об-ҳаво шароитига қараб белгиланади. Об-ҳаво қуруқ келган йиллар эрта (20-30 апрель орасида) экиш яхши натижа беради, намгарчилик кўп бўлган йилларда эса кечроқ (10-20 май орасида) экиш керак бўлади.

Озиқланиш майдони ва туп сони ҳам об-ҳаво шароитига қараб белгиланади. Ёғингарчилик кўп бўлган йиллар қовуннинг озиқланиш майдони кичик (2,5 м^2) ва аксинча, қуруқ келган пайтда катта (5 м^2) бўлиши лозим.

Қовун уруғи ивитиб экилади. Экишда уруғлар, албатта, тупроқнинг нам қаватига 7-8 см чуқурликка кўмилиши керак. Уруғ экиш меъёри гектарига 1,5-2 кг ҳисобида сарфланади.

Қовунни биринчи марта битта чинбарг чиқарган вақтда, иккинчи марта уч-тўртта чинбарг чиқарганда яганалanади. Бунда ҳар бир уяда биттадан соғлом ўсимлик қолдирилади. Лалмикорликда қовунни парвариш қилишда ёғингарчиликдан кейин ҳосил бўладиган тупроқ қатқалоғига қарши кураш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Майсалар униб

чиққунга қадар қатқалоқ мотига ёки тишли борона билан бузилади. Униб чиққандан кейин қатор оралари фақат юмшатилади, холос. Қовун мевалар пишиб етилишига қараб бир марта ёки бир неча марта узилади.

ЙИЛ ДАВОМИДА ЯНГИ ҚОВУН МАҲСУЛОТИ ЕТИШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Аҳолининг йил бўйи янги қовун маҳсулотларини истеъмол қилиш муддатини узайтириш усуллари:

1. Эртачи маҳсулот етиштиришнинг ҳар хил усулларини қўллаш;

2. Узоқроқ сақлаб қўйишга ярайдиган кечпишар навларни жорий этиш ва маҳсулотни сақлаб қўйиш усулларини такомиллаштириш:

Эртачи қовун маҳсулотларини етиштириш усуллари орасида тупроқни мульчалаш, экинни кўчатдан экиш, вақтинчалик плёнка-ёпқич остида кўчатидан ва уруғидан мульчалаб экиш, ҳимояланган иситиладиган ва иситилмайдиган иссиқхоналарда етиштириш каби усуллар қўлланилади.

Тупроқни мульчалаш. Мульчалаш иши экиш билан бир вақтда ёки экишдан кейин ўтказилади. Бунда экин қаторлари устига плёнка ёпилиб, унинг четлари тупроқ билан бостириб қўйилади. Экин майсалари пайдо бўлганидан кейин, ўсимликларнинг юзага чиқиб олиши учун уларнинг устига тўғрилаб плёнкадан тешиклар очиб қўйилади. Плёнка ўсимликлар бутун вегетация даври давомида қолдирилиб, ҳосил тугагандан сўнг олиб ташланади. Бу усулда экин очиқ ерга экиш муддатидан бир-икки ҳафта илгари экилади.

9-Расм. Қовунни мульчалаб экиш усули

Тупроқни мульчалаб кўчат билан экиш усулида ҳам эртачи маҳсулот олиш имкониятига эга бўлинади.

Экинни кўчатидан экиш. Қовун етиштиришни тезлаштиришнинг энг самарали усули очиқ ерларга экинни кўчатдан экишдир. Қовуннинг ёш илдиз системаси ўта нозик бўлиб, зарарланишга жуда мойил бўлади. Шунинг учун кўчатни жойдан жойга кўчириб, яъни пикировка қилиб ва туваксиз усулда етиштириш мумкин эмас. Қовун кўчатлари чириндили тупроқ солинган озиқ кубчаларида, озиқ аралашмаси билан тўлдирилган қоғоз ёки полиэтилен тувакчалар, пластмасса, торф тувакларда етиштирилиши шарт.

10-Расм. Қовунни кўчатидан экиш усули.

Бундай усулда меваларни 10-20 кун илгари етиштириб олиш ва эртаги ҳосилни бир неча баробар ошириб, умумий ҳосилдорликни ҳам анчагина кўпайтириш имконига эга бўлинади.

Вақтинчалик плёнка-ёпқич остида кўчатидан ва уруғидан мульчалаб экиш. Вақтинчалик плёнкали-ёпқич остида ўстириш учун қовуннинг тезпишар, қисқа палакли, касалликка чидамли навларидан фойдаланилади.

Республика марказий қисмидаги вилоятларда қовун уруғларини махсус плёнка халтачаларга экиш 1-10 мартдан бошланади. Жанубий вилоятларда 10-15 кун олдин, шимолий вилоятларда эса 10-15 кун кеч бажарилади. Кўчатлар махсус кўчатхоналарда тайёрланади. Иссиқхоналар йўқ шароитларда кўчатларни етиштириш учун чуқурлиги 0,8 м, кенглиги 1,0-1,2м ва узунлиги ихтиёрий равишда хандақлар қазилади. Хандақларга 15-20 см қалинликда чиримаган гўнг, унинг устига 20 см қалинликда эланган тупроқ солинади ва полиэтилен плёнка тортилиб ҳар 10х10 см ораликда тешиб чиқилади.

Қовун кўчатини етиштиришда плёнка халтачалар ҳажми 10х10 см бўлиб, уларга 40% гўнг + 40% тупроқ + 20% ёғоч, шоли қипиғи аралашмаси ёки биогумус солинади. Сўнгра стаканлар яхшилаб намлаб суғорилади ва 2-3 донадан бир кун ивитилган уруғлар ташланиб, устидан 2 см қалинликда чиринди солинади.

Стаканчиклар қўйилган хандақлар устига симлардан тайёрланган ёйлар қадаб чиқилади ва полиэтилен плёнка билан ёпилади. Иссиқликни сақлаш учун 2 қаватли термос шаклида ёки плёнка устига тўшамалар ёпиш мумкин. Плёнка қопламалари тагига техника хавфсизлиги чораларига амал қилган ҳолда ёритқич мосламалари ёки электр иситгичлар билан иситиш ҳам мумкин.

11-Расм. Вақтинчалик плёнка-ёпқич остида кўчатидан ва уруғидан мульчалаб экиш

Уруғ униб чиққунча ҳарорат кундузи 23-25 даража, кечаси 14-15 даража, уруғ униб чиққандан сўнг ҳарорат 18-20 даража илиқ бўлиши керак. Бунда ўсимлик бақувват бўлиб ўсади. Уруғлар униб чиққандан сўнг 3-4 кунлик кўчатлар 2 донадан қолдирилиб ягана қилинади.

Кўчат ўстирилаётган жараёнда 2 марта минерал ўғитлар эритмаси билан озиқлантирилади. Биринчи озиқлантириш 1-2 та чинбарг ҳосил бўлганда, 10л +18-+20 °С ли сувга 5-6 г азотли, 8-10 г фосфорли, 5-10г калийли маъдан ўғитлари аралаштирилиб ёки Кристалон N18P18 K18 10 л. сувга 10 г ҳисобида сепилади. Орадан 10-12 кун ўтгач, юқорида таъкидланган ўғитлар миқдори 2 марта кўпроқ қўшган ҳолда ёки Кристалон N20 P20 K20 10 л сувга 10 г ҳисобида иккинчи маротаба озиқлантирилади.

Очиқ далага экишга бир ҳафта қолганда кўчатхона дарчалари очилиб, ўсимликлар ташқи мухитга чиниқтириб борилади. Кўчат ёши 25-30 кунлик бўлганида очиқ далага вақтинчалик плёнка-ёпқич остига апрель ойи бошида экилади. Ўсимликлар икки қаторли экиш усулида 210+70/2x50 см жойлаштирилади. Бунда пушталар оралиғи 210 см, қаторлар оралиғи 70 см, қатордаги кўчатлар оралиғи 50 см бўлади. Ўсимликлар шу усулда жойлаштириш режаси тузилади.

Олдин бўлажак суғориш жўяклари йўналишига тик ҳолда культиватор билан ҳар 50 см дан кейин чизиқ солиб чиқилади. Сўнгра ҳар 280 см дан кейин 18-20 см чуқурликда чопиш мосламаси билан суғориш жўяги солинади. Режа чизиқлари кесишган жойларга ва суғориш жўяклари четига кўчат ўтказилади ёки уруғ экилади.

Кўчатлар режа чизиқларидаги чуқурларга суғориш жўягининг икки томонига ўтказилади. Қаторлар ораси 70см бўлиши керак. Сўнгра ўтқазилган кўчатларнинг уруғпалла баргларига қадар тупроқ солинади.

Агар кўндаланг режа чизиғи етарли даражада чуқур бўлмаса, кўчатлар кетмон билан тайёрланган чуқурчаларга ўтқазилади.

Уруғларни бевосита ерга экиш ҳам юқорида келтирилган қолип асосида амалга оширилади. Уяга 4-5 та уруғ 4-6 см чуқурликда экилади. Экиш нормаси гектарига 3-4 кг Юқорида қайд этилган усул бўйича экилган ўсимликларнинг қалинлиги бир гектар майдонга 13,0-14,3 минг тупдан иборат бўлади.

Ерга кўчат ўтказилгандан ёки уруғ экилгандан кейин дарҳол туннель кўринишидаги плёнкали ёпқич ўрнатишга киришиш керак. Ҳар бир туннель ўртасидан суғориш жўяги ўтган тасма ернинг икки экин қаторини ёпади. Туннельнинг кенглиги 140-160 см, баландлиги 60-70 см, узунлиги (50-60 м) шароитга қараб бўлади.

Тасмалар орасидаги бўшлиқ 180-190см бўлиб, очиқ қолдирилади ва у йўлак хизматини ўтайди. Кейинчалик бу йўлакка ўсимликнинг палаги жойлашади.

Туннель ўрнатишда аввал ёйсимон синч (каркас) ўрнатилади. Ёйсимон синч йўғонлик кесмаси 4-6 мм ва узунлиги 2,8-3,0 м симлардан тайёрланади. Ёйнинг учлари ерга 20-25 см

ботирилади, оралиғи 1,0-1,5 м бўлади. Ёйлар бир-бирига 1-3 қатор қилиб, каноп (тизимча) билан боғланади. Синчнинг устига туннель узунлигича қилиб 280-300 см кенгликдаги плёнка ёпилади, плёнканинг четлари тупроқ билан бостирилади. Туннельнинг иккала учида плёнкаларнинг учи қозиқларга боғлаб қўйилади.

1 гектар майдонга туннель қуриш учун 800-1000 кг плёнка, 1200-1300 кг пўлат сим, 200-250 та қозиқ ва 20-25 кг каноп ишлатилади.

Қулай об-ҳаво бошланганда кундузи туннель ён томонларининг бир неча жойидан очиб шамоллатилади.

Республикамизда эрта муддатда плёнка-ёпқичларни термос усулидан фойдаланиш энг оддий ва арзон хили ҳамда эртаки юқори ҳосил етиштириш ва иқтисодий самара олиш усулидир.

ТАРВУЗ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тарвуз республикамизда асосий полиз экинларидан бўлиб, унинг эти ва ширасидан камқонликни даволаш, яллиғланишга қарши суриш ва ўт суюқлигини ҳайдаш хусусияти кучли, атеросклероз, моддалар алмашинуви бузилиши, жигар ва юрак-қон томир тизими касалликларини даволашда фойдаланилади. У одам танасини заҳарли моддалар ва шлаклардан яхши тозалайди, холестерин ажралиб чиқишига ёрдамлашади. Тарвуз Citrullus туркумига киради. Маданий тарвузнинг иккита хўраки (Citrullus vulgaisr Schrad) ва хашаки (Citrullus pateca Sagent) тури ҳамда тахир мазали

бир неча ёввойи тури маълум.

Тарвуз – А, С, Е витамин, В гуруҳи витаминлари, магний, калий, кальций, фосфор, темир ва натрий моддаларини ўзида сақлайди. Тарвузнинг 91 фоиз қисми сувдан иборат. Бундан ташқари, у кам калорияли полиз маҳсулоти ҳисобланади. 100 г тарвузда атиги 38 калория мавжуд.

Янги тарвузда 5-13 фоизгача енгил бирикадиган қанд мавжуд. Тарвуз кесилганда фруктоза ва глюкозалари умумлашади. Сахароза (қанд) бунга қараганда кечроқ ҳосил бўлади. Шунинг учун қандли диабетга чалинганларга барра кесилган тарвуздан кам миқдорда истеъмол қилиш тавсия этилади.

Инсон организми ультрабинафша нурларига қарши кураш олиб боришида бир нечта маҳсулотларнинг ўрни беқиёслиги илмий жиҳатдан исботланган. Тарвуз ҳам айнан шу маҳсулотлар қаторига киради. Унда ликопин моддасининг мавжудлиги турли нурланишга қарши курашишда ёрдам беради.

Тарвуз мевасида L-цитруллин – аминокислотаси кўп бўлиб, бу бўғимлар орасидаги оғриқни тўхтатади. Агар машғулотдан кейин ачиш ва оғриқ сезилишини хоҳламасангиз, у ҳолда машғулотдан аввал янги тарвузнинг 1/3 қисмидан тайёрланган шарбатни ичиш тавсия қилинади.

Албатта, бу гап сизга ёқимсиз туюлгандир, аммо биз тарвуз пўчоғини ташлаб юбормаслигингизни тавсия қиламиз. Биринчидан, улар жудаям мазали. Пўчоқларни бир нечта кичик бўлакларга бўлинг ва лимон, бодринг ва муз бўлаклари билан блендерга солинг. Таъбга кўра шакар ва кўкатлар солишингиз мумкин. Натижада С, В1, В2, каротин, фолий ва пантотен кислоталарига бой бўлган ажойиб шарбат тайёр бўлади. Тарвуз уруғи тери ҳолатини яхшилайди ва яллиғла-

нишга қарши самарали восита вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, у темир, рух ва оқсилларга бой.

Тарвуз истеъмол қилиш сизнинг кўзингиз ва фикрлаш қобилиятингиз учун жуда фойдалидир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, тарвузнинг мазали мевасида А ва B_6 витаминларининг мавжудлиги, биринчидан, кўзни турли инфекциялардан ҳимоя қилиб, тиниқ кўришини таъминласа, иккинчидан, хотирани мустаҳкамлаб, фикрлаш тезлигини оширади.

Тарвуз овқат ҳазм қилиш фаолиятини яхшилайди, юрак-қон томир тизими ҳамда буйрак ва жигарни тозалайди. Танадан холестеринни чиқариб ташлашга ёрдам беради. Тошлар билан боғлиқ муаммолари бор беморларга тарвузни кўпроқ ейиш тавсия қилинади. Агар сизда тарвуз истеъмол қилмаслик учун жўяли сабаб бўлмаса, у ҳолда кундалик егуликда 2-3 кг тарвуз ейишни маслаҳат берамиз.

БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тарвуз экинлари жанубдан Африкадан келиб чиққанлигидан иссиқсевардир. Тарвузнинг уруғи +14-16 °С да уна бошлайди. Ҳарорат бундан пасайганда уруғлар ерда чириб қолади, сийрак униб чиқади. Шунинг учун тарвуз экинларини жуда эрта – ер қизимасдан экиш мумкин эмас.

Уруғнинг униб чиқиши учун қулай ҳарорат +20 °С ҳисобланади. Сутка давомида ҳарорат +15-32 °С атрофида ўзгариб туриши мумкин. Ана шундай ҳароратда уруғ экилгандан кейин 5-6 кунда майсалар кўрина бошлайди. Ҳароратнинг па-

сайиши майсаларнинг униб чиқишини кечиктиради.

Тарвузнинг ўсиб ривожланиши учун оптимал ҳарорат +25-30 °С ҳисобланади. Ҳарорат +12-15 °С гача пасайса, экинларнинг гули тўкилиб кетади, улар ўсишдан тўхтайди ва секин-аста қуриб қолади. 0 °С ёки -1 °С тарвуз экинлари майсаларини ёппасига нобуд қилади. Ҳарорат +3-5 °С га тушиб қолса, вояга етган ўсимликлари ҳам зарарланади.

Тарвуз ниҳоятда иссиқсевар ўсимлик бўлишига қарамай, иссиққа унчалик чидамли эмас. Барглардаги оқсил +45-50 °С да ивийди. Бироқ тарвузда транспирация жараёни ниҳоятда жадал борганлигидан ўсимлик совиб қолади. Бу ҳол маълум даражада унинг иссиққа чидамлилигини оширади.

Тарвуз ёруғсевар ўсимликдир. Сояда улар секин ривожланади ва натижада ҳосилдорлиги пасайиб кетади. Шунинг учун уларни соялаб қўядиган ўсимликлар билан бирга ёки мева боғлари қатор ораларига экиш тавсия этилмайди.

Тарвуз ўсимлигининг ерга ёйилиб ўсадиган палаги 2-3 метргача етади. Барглар қўлтиғидан жингалаклар ўсиб чиқади. Ўсимлик шулар ёрдамида атрофдаги нарсаларга илашиб олиб, ер юзасидан юқори кўтарилади.

МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Илдизи

Тарвузнинг илдиз тизими кучли ривожланган, асосан ўқилдиз ҳамда ён илдизлардан иборатдир. Илдиз тизимининг ривожланиши асосан тарвуз навига иқлим шароитига, тупроқ таркиби, унумдорлигига, юмшоқлиги ва намлигига боғлиқ.

12-Расм. Тарвуз илдизининг тузилиши

Тарвузнинг ўқ илдизи 1 м ва бундан кўпроқ чуқурликка тушиб боради. Хўраки тарвуз навларининг ўқ илдизи йўғонлиги илдиз бўйинчасидан ўлчаганда 1,0-1,5 см ни ташкил этади. Биринчи даражали ён илдизлар ўқ илдиздан кўра узунроқ бўлиб, 4-5 метрга етади. Илдиз тизими барча ён илдизлари билан биргаликда 7-10 $м^3$ гача тупроқни қамраб олади. Ўсиш давринг охирида илдиз бўғзи 5-6 см йўғонликда, ундан пастроқда эса икки баравар ингичкалашади, 1 м чуқурликда эса ўқ илдиз 0,4 см йўғонликда бўлади.

ПОЯСИ

Тарвуз пояси ер бағирлаб ёйилиб ўсади. Тарвузнинг ён палаклар сони кўп (6 ва ундан кўп), ўртача (4-6) ва оз (4 дан кам) бўлади. Палаклари 2 м дан ортиқ бўлса – узун, 1,2-2,0 м бўлса – ўртача ва 1,2 м дан кам бўлса – қисқа ҳисобланади. Барглари йирик, ўртача ва майда бўлиши мумкин. Тарвуз барглари кулранг-яшил, тўқ яшил ва яшил рангда бўлиб, барг банди узун, япроқлари яхлит, чукур кесилган, 3 ёки 5 қирқимли, ёш барглари эса зич тукчалар билан қопланган бўлади. Тарвуз барглари бошқа полиз экинлари сингари навбатлашиб жойлашган.

ГУЛИ

Ўзбекистонда етиштириладиган тарвуз навларида ҳам, худди қовун навларидагидек 5 хил гул бўлади: функционал эркак ва чин эркак гуллар, функционал урғочи ва чин урғочи гуллар ва гермафродит гуллар. Пастдан юқорига томон эркак ва гермафродит гуллари очилиб боради

13-Расм. 1-палак, 2-жингалак, 3-барг, 4-урғочи гул, 5- эркак гули.

Масалан, Ўзбекский-452 нав тарвузнинг бир тупида 187-234 дона, Қўзивой-30 нав тарвузнинг бир тупида эса 190-314 дона чин ва функционал эркак гуллар очилади. Бу навларнинг мева тугадиган гуллари тегишлича 11 ва 10 баравар кам бўлади

Тарвуз гулининг тузилиши қовун гулининг тузилиши билан тахминан бир хил. Чанг доналарининг диаметри 60-63 мм келади, гултожлари 5 бўлакли, сариқ рангда. Тарвузда мева тугадиган гуллар тезпишар навларида – 4-11, ўртапишар навларида – 15-18, кечпишар навларида – 20-25 та бўлиб барг қўлтиқларида юзага келади. Гулларнинг ривожланиши шароитлар жуда қулай келганида 30-35 кун давом этади. Эркак гуллар, тарвуз ниҳоллари униб чиққанидан бошлаб ҳисоблаганда, 46-49 кундан кейин, урғочи гуллар 52-54 кундан кейин очилади. Ушбу кўрсаткич навларнинг эртапишар ва кечпишарлигига қараб ўзгаради.

МЕВАСИ

Тарвуз мевалари шарсимон, элипссимон, тухумсимон, ноксимон, цилиндрсимон ва бошқа шаклларда бўлади. Ме-

валар катта-кичиклиги жиҳатидан йирик, ўртача ва майда бўлади. Агар узунлиги шарсимон меваларнинг 22 см дан кўп бўлса – йирик, 18 см дан 22 см гача бўлса – ўрта, 18 см дан кам бўлса – майда ҳисобланади. Цилиндр шаклидаги йирик меваларнинг узунлиги 35 см дан ортиқ.

Меваларнинг асосий рангги оқ, оч кўк, кўк, тўқ кўк ва сариқ бўлади. Меваларнинг сиртидаги гули, яъни йўллари ва доғлари асосий рангдан бирмунча тўқроқ рангда бўлади. Йўллар тўрсимон, туташ, энли ва энсиз бўлиши мумкин.

Мева сирти силлиқ ёки бир оз бўғимли бўлиши мумкин. Мева пўсти ўртача (1,0-1,5 см) ва юпқа (1 см дан кам) консистенциясига кўра терисимон ёки ёғочсимон, мўрт бўлиши мумкин. Мева эти пушти, қизил, малина ранг, камдан кам сариқ ёки оқ рангда бўлади. Консистенцияси жиҳатидан тарвузларнинг эти дағал толали қумоқ-қумоқ юмшоқ, сершира ёки кам шира, ширин ва бемазароқ бўлиши мумкин.

УРУҒИ

Тарвуз уруғлари катта кичиклиги жиҳатидан йирик, ўрта, ўртача ва майда хилларга бўлинади; рангги оқ, сарғиш сариқ, жигарранг, қизил, қора, кул ранг бўлади. Уруғларнинг

сиртида майда ёки йирик доғлардан жимжимаси бўлади, ғадир-будурлиги, баъзан ёриқлар билан қопланган, шунингдек, уруғининг сони кам ёки кўплиги билан бир-биридан катта фарқ қилади. Чўзиқ ва кенг овал шаклида бўлиб, узунлиги 14-28 мм, 1000 дона уруғ оғирлиги 50-100 г

ТАРВУЗ НАВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрида тарвузнинг 47 та навлари ҳудудлаштирилган, шулардан 15 та маҳаллий, қолгани чет эл навларидир.

Дилноз. Эрта-ўртапишар нав, ўсиш даври 80-85 кун. Меваси шарсимон, пўсти тўқ яшил, қора тикансимон гуллари бор, вазни 3-4 кг Эти тўқ қизил, сершув. Таркибида қанд миқдори 7,5-8,5%. Ҳосилдорлиги 30-35 т/га. Ташишга чидамлилиги юқори.

Манзур. Эртапишар нав, ўсиш даври 80-90 кун. Палаги ўртача, ён шох ва барглар сони ўртача. Барги конуссимон, яшил рангли, бир оз майин, тукли, оч яшил тусда. Меваси шарсимон, ўртача ҳажмда, вазни 2,5-3 кг, пўсти қаттиқ, оч яшил, тикансимон тўқ яшил гуллари бор. Эти малинасимон, уруғлари майда. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га.

Қўзибой-30. Кечпишар нав, ўсиш даври 120-130 кун. Палаги катта, пояси узун. Меваси юмалоқсимон, юзаси силлиқ, яшил, баъзан қорамтир, юзасида четлари жимжима, ингичка, кам билинадиган тасмалари бор, вазни 5-6 кг, пўсти қаттиқ, эти оч қизил, сершув, ширали, баъзан толали, дегустацион баҳоси 3,5-4,7 балл. Таркибида қуруқ

модда миқдори 7,2%, қанд миқдори 6,8%. Ҳосилдорлиги 35-40 т/га. Қишда яхши сақланади, узоқ масофаларга жўнатишга яроқли, қурғоқчиликка чидамли.

Ҳайит Қора. Кечпишар нав, ўсиш даври 120-130 кун. Палаги катта, ён шох ва барглар сони кўп. Барги конуссимон, яшил рангли, бироз майин тукли. Меваси нотўғри шарсимон, йирик, вазни 5-6 кг, юзаси силлиқ, мева банди томони сезилмас дўнгроқ, Расм.сиз, ерга тегиб турган жойлари сарғиш жигарранг, пўсти қаттиқ, тўқ яшил, баъзан қорамтир. Эти қизил, сершув, сершира, эрувчан, жуда ширин, дегустацион баҳоси 5,0 балл. Таркибида қуруқ модда миқдори 8,1%, қанд миқдори 7,2%. Ҳосилдорлиги 35-40 т/га. Қишда яхши сақланади.

Янги тарвуз навлари

Ширин нави. Эрта-ўртапишар нав, ўсиш даври 86-89 кун. Меваси шарсимон, пўсти оч яшил, тўқ яшил ўртача энли тикансимон гуллари бор, вазни 3-4 кг Эти оч қизил, сершув.

Таркибида қанд миқдори 11,0-11,4%. Ҳосилдорлиги 30-35 т/га. Ташишга чидамлилиги юқори.

Шарқ неъмати. Эрта-ўртапишар нав, ўсиш даври 89-90 кун. Меваси шарсимон, пўсти оқиш яшил, яшил энсизроқ тикансимон гуллари бор, вазни 4,8-5,4 кг Йириклари 10-12 кг . Эти тўқ қизил, серсув. Таркибида қанд миқдори 10,9 -11,0%. Ҳосилдорлиги 39-41 т/га. Ташишга чидамлилиги ўртача.

ТАРВУЗ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Уруғларни экишга тайёрлаш. Тарвуздан мўл ва сифатли ҳосил, навдорлиги 99% ва унувчанлиги 90-95% дан кам бўлмаган уруғдан фойдаланиш зарур. Уруғлар экишдан олдин ош тузининг 5% эритмасида бўктириб ивитилади. Натижада уруғларнинг тўқ ва йирик фракциялари сув остига чўкиб, майда ва пуч уруғлар сув бетига қалқиб чиқади. Сув остида қолган уруғлар олиниб тоза сувга чайиб нами қочгунча қуритилади. Уруғларни +40-50 °С ҳисобида 4-5 соат қизди-

риб олинса, уруғларнинг касалликларга чидамлилиги ошиши билан бир қаторда оналик гуллар кўпайиб ҳосилдорлик ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Уруғларнинг униб чиқиш қобилиятини ошириш учун экиш олдидан мис купороси 0,5-1,0% ли эритмасида 1 соат давомида ивитиб олинса, ҳосилдорликни 13-14% га, уруғ чиқишини 8,7% га ошириши илмий исботланган.

Ер танлаш. Тарвуз ўсимлиги қуёш нури ҳамиша тушиб турадиган, органик моддаларга ва минерал озиқа элементлари билан етарлича таъминланган қумлоқ ва қум тупроқли ерларда яхши ўсиб, сифатли юқори ҳосил беради ва фузариоз сўлиш касаллигига кам чалинади. Ўтлоқи ерларда тарвуз экини мўл ҳосил бермайди.

Алмашлаб экиш. Тарвуз турли хилдаги қумли ерларда энг яхши ўсадиган полиз экини ҳисобланади. Фузариоз ва бошқа патогенлар (касаллик қўзғатувчи)лар ерда пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида ўсимликнинг айланишига (севооборот) риоя қилиш керак ва тарвузни шу экилган ерга 7-8 йилда бир марта экиш керак.

Экиш муддати ва схемаси. Полиз экинлари уруғининг униб чиқиши экиш муддатини тўғри белгилашга боғлиқ. Республикамизнинг марказий минтақасида жойлашган вилоятларида тарвузнинг эртачи навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнгача; жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелгача, ўртагиси 10–20 апрелда, кечкилари эса 10–20 июнда экилади. Шимолий минтақаларда эртаги тарвузни 20 апрелгача, ўртагисини 25 апрелдан 10 майгача, кечкисини 20-30 май оралиғида экиш лозим.

Тарвуз уруғларини 5 см чуқурликда ер ҳарорати +14-15 °С га етганда экишга киришилади. Қатор оралари 210-280 см

ли кенг эгат олинади. Бундай эгатлар тарвуз экинлари қатор ораларини ишлаш вақтида тўрт ғилдиракли тракторларни ишлатишга имкон беради. Иқлим шароити навига боғлиқ ҳолда экиш шакли тарвуз учун (270+90) 2х70 см,(290+70) 2х70см Уруғлар қум тупроқларда 7-8 см, қумлоқ тупроқларда 5-7 см, бўз тупроқларда 4-5 см, чуқурликка экилади. Майда уруғлиларни экиш учун гектарига 4 кг, йирик уруғли тарвузларни экиш учун 5-6 кг уруғ сарфланади.

Парваришлаш. Парваришлаш ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиқлантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашишни ўз ичига олади.

Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда ва иккинчиси биринчи чопиқ вақтида ўтказилади. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан бир қаторда ораларини юмшатишга киришилади.

Ниҳоллар униб чиққач, 20-25 кун ўтказилиб, иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, сув берилади, озиқлантирилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Ўсиш даврида қатор оралари 4-5 марта культивация қилинади ва палаклари пуштага тўғрилаб турилади.

Суғориш. Тарвуз илдизлари жуда кучли ўсиб тупроқнинг 3, ҳатто 5 метр чуқурликдаги қатламигача таралади, диаметри эса 8-10 метрга боради. Шунинг учун ҳам тарвуз қурғоқчиликка ўта чидамлилиги билан бошқа полиз экинларидан ажралиб туради. Чунки уларда илдиз тукчаларнинг сўриш кучи юқори бўлиб, тупроқ унча нам бўлмаса ҳам мавжуд намдан фойдаланиш қобилиятига эга. Шу сабабли тарвуз сув буғлантирадиган барг шапалоғининг катталигига қарамай Марказий Осиёнинг лалми ерларида бемалол ўсиб,

яхши ҳосил бераверади. Қурғоқчиликка чидамлилиги жиҳатидан тарвуз биринчи ўринда туради.

Тарвуз қурғоқчиликка жуда чидамли бўлишига қарамай юртимиз шароитида суғориб парваришлаш керак. Бироқ ҳаддан ташқари сернам тупроқ тарвуз экинига салбий таъсир этади. Сернам тупроқда мевадаги қанд моддаси камаяди, пўсти қалинлашади, ҳар хил замбуруғ касалликларига, жумладан, фузариоз-сўлиш касалига чалинади.

Бўз тупроқли ерларда ўсиш даврида ҳар гал гектарига 400-500 $м^3$ ҳисобидан 8-9 марта суғорилади. Сизот суви юза жойлашган далаларда эса бўз тупроқли ерларга қараганда камроқ, 4-5 марта суғорилади. Ўсиш даврида тарвуз палагини сув билан бир текис таъминлаш ҳосилни ошириш гаровидир.

Майсалар кўрингандан кейин биринчи чопиққа қадар экинлар 1-2 марта суғорилади. Биринчи чопиқ тугалланган-дан кейин экин 20-25 кунгача сувдан қайтарилади. Бу даврда ўсимлик илдизининг чуқурроқ таралишига зўр беради, чопиқда илдизи кесилган бегона ўтлар тезроқ қурийди ва ниҳоят палакнинг найчалаши мева тугиши тезлашади. Навбатдаги сув иккинчи чопиқ олдидан берилади.

Шундан кейин тарвуз экини ҳосил тўплашга киришади ва уларнинг сувга талаби ошади. Бинобарин, бу даврда ҳар 10-12 кунда суғориб туриш керак. Тарвуз пиша бошлаши билан сув камроқ берилади. Ҳосил етилганда суғориш тўхтатилади, акс ҳолда, қанд моддаси камайиб узоқ сақлашга ярамай қолади.

Ўғитлаш. Тарвуздан юқори ҳосил олиш учун гектарига 225 кг азот, 225 кг фосфор ва 150 кг калий, органик ўғитлардан гектарига 25 тонна солинади. Йиллик меъёрга нисбатан органик ва калийли ўғитларнинг ҳаммаси, фосфорнинг

70-75% асосий шудгорга солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган 25-30% ва азотнинг 50% экиш олдидан ёки биринчи чопиқда берилади: азотли ўғитнинг 50% экинлар гуллай бошлаганда иккинчи чопиқда эгатларга 10-12 см чуқурликка солинади. Ерга азотли ва фосфорли ўғитларни биргаликда солиш алоҳида-алоҳида солишга қараганда кўпроқ самара беради.

ТАРВУЗ КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистонда асосий зарар келтирувчи тарвуз касалликларидан: ризоктониоз, фузариоз сўлиш, ун-шудринг ва бошқалар; зараркунандалардан: қовун майса пашшаси, қовун пашшаси, полиз ширасы, ўргимчаккана, кемирувчи кўк қурт тунлами кабилардир.

Фузариоз сўлиш (Fusarium oxysporum f.sp. niveum)

Бунда ўсимликларнинг пастки ярусдаги баргларида сарғиш, сўлғин бўлиб, сўнгра қўнғир доғлар пайдо бўлади ва кейинчалик қуриб қолади. Фузариоз сўлиш билан қовун барча ўсиш ва ривожланиш босқичларида зарарланади. Ёш майсаларнинг уруғбарглари, пояси (гипокотиль) ва илдиз бўғзида қайноқ сувда куйганга ўхшаш, рангсиз, сўнгра қўнғир тус олувчи доғлар ривожланади, улар чирийди ва майсалар қуриб қолади, экин сийрак бўлиб қолади. Фузариоз сўлиш экинларда мева ривожланиши ва пиша бошлаши пайтида кўплаб учрайди. Олдин ўсимликнинг пастки ярусдаги баргларида сарғиш, сўнгра қўнғир тус олувчи доғлар пайдо бўлади ва улар юқори ярус баргларига ўтади.

Қарши кураш чоралари. Агротехник: алмашлаб экиш, кўллатиб суғормаслик.

Биологик кураш чораси: сифатида Триходермин 100г/га препаратини қўллаш ҳам яхши натижалар беради.

Профилактик: уруғларни экишдан 25-30 кун олдин препаратлардан 2,5% Максим-0,4 л/т, 31,2% Селес Топ-0,4-0,6 л/т, бири билан дорилаб экиш тавсия этилади.

Тарвуз ва қовун уруғларини дорилаш.

Кимёвий. Ўсимликни ривожланиш даврида (Bacillus subtillis) Споранггин с.э.к.-2,0 кг/га, (Манкоцеб+металаксил М) Ридомил голд МЦ 68% -2.5 кг/га, (Пенконазол) Топаз 10% к.э-0,25 л/га, Энто паз экстра 10% к.э. -0,25 л/га, (Пропинеб) ва бошқа фунгицидларни пуркаш тавсия этилади.

Ун-шудринг (Sphaerotheca fuliginea f. cucumidis),

Ун-шудринг касаллигида баргларнинг икки томонида ҳам оқ, сарғиш-қўнғир ёки қизғиш-кулранг, юпқа ғубор ҳосил бўлади, кейинроқ барглар сарға-

яди, қўнғир тус олади ва қурийди. Ғубор баъзан ўсимлик поя-си ва барг бандларида, кам ҳолларда меваларда учрайди. Замбуруғ ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтларда қишлайди. Замбуруғнинг пушти-кулранг тусли моғор қатлами кўпинча баргнинг остки томонида ривожланади. Конидиялар занжирчаларда, эллипсоид, цилиндр ёки кўпинча бочка шаклли, ўлчами 20-40х11-22 мкм. Клейстотецийлар баъзан анча кўп, баъзан эса кам миқдорларда пайдо бўлади.

Агротехникаси. Алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик.

Кимёвий кураш. Касалланган ўсимликларга таъсир этувчи моддаси (Bacillus subtillis) Споранггин с.э.к.-2,0 кг/га (Манкоцеб+металаксил М) Ридомил голд МЦ 68% -2.5 кг/га, (Пенконазол) Энто паз экстра 10% к.э. -0,25 л/га, ва бошқа фунгицидларни пуркаш тавсия этилади.

Тарвуз экинлари (Alternaria cucumerina) альтернариозини гифомицет замбуруғи қўзғатади. Касаллик дунёнинг кўп мамлакатларида асосан мушк қовунни (Cucumis melo var. cantalupensis), камроқ ҳолларда қовуннинг бошқа турлари, тарвуз, қовоқ ва бодрингни зарарлайди.

Альтернариоз билан экинлар очиқ дала ва иссиқхоналарда зарарланади. Баргнинг устки томонида кичик, думалоқ, оч-жигарранг, ўртаси очроқ тусли, бироз ботиқ, сўн-

гра қизғиш-қўнғир тус ва концентрик шакл олувчи доғлар ривожланади. Улар ўсади ва баргни қоплаб олади, барглар сарғаяди ва сўлиб қолади. Зарарланган тарвуз мевалари-да думалоқ, қўнғир, ботиқ яралар пайдо бўлади. Юқори намлик шароитида доғ ва яралар устида замбуруғнинг мицелий, конидиофора ва конидияларидан ташкил топган тўқ-зайтун ёки қорамтир тусли моғор ривожланади.

Кураш чоралари. Чидамли навлар яратиш ва ўсимлик қолдиқларини даладан чиқариб, йўқотиш, уруғларни экишдан 25-30 кун олдин препаратлардан 2,5% Максим-0,4 л/т, 31,2% Селес Топ-0,4-0,6 л/т, бири билан дорилаб экиш тавсия этилади.

Тарвуз мозаикасини вирус (Watermelon mosaic virus) қўзғатади. Вирус барча полиз экинларини, дуккакли ўсимликларни ва баъзи бегона ўтларни зарарлайди. Зарарланган ўсимликлар баргларининг томирчалари оралари сарғаяди, сўнгра барглар ингичкалашади, уларнинг бўлаклари ипсимон шакл олади. Ёш баргларда мозаика ва уларнинг устида сўгалсимон шишлар пайдо бўлади, улар қийшайиб ва буришиб қолади. Зарарланган ўсимликларнинг палаклари калта бўлиб қолади. Мевалар устида ҳам шишлар пайдо бўлиши мумкин.

Тарвузда кўп учрайдиган энг кўп зарар келтирадиган қовун зараркунандалардан қовун майса пашшаси ва қовун пашшаси, полиз шираси, ўргимчаккана, кемирувчи кўккурт тунлами кабилардир.

Полиз ширалар (Aphididae)

Тарвуз экинларида ўсимлик битларининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, айрим йиллари ҳосилдорликни 40-50% гача камайтириши мумкин. Вояга етган қанотсиз зотнинг катталиги 2-2,1 мм келади, ранги оч яшил тусда, усти оқиш-кулранг мумсимон кукун билан қопланган. Тухуми ялтироқ қора, катталиги 0,5 мм, шакли чўзиқ. Ҳар бир урғочи зот жами 30-40 та личинка туғади. Ривожланиш мобайнида 25 тагача бўғин бериб ривожланади.

Кураш чоралари. Агротехник. Алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик.

Биологик. Олтинкўзнинг 3-4 кунлик тухумини зараркунанда миқдорига қараб 1:10, 1:5 нисбатда чиқариш.

Кимёвий усул. Эрта баҳорда ширалрнинг олдини олишда яхши самара берадиган БИ-58-1,2 л/га, Бензофосфат

30% -2,0 л/га, бу тадбирнинг ипак қурти боқилиши даврида сўрувчи зараркунандалар билан зарарланишининг олдини олишда ва фойдали ҳашаротлар сонининг кўпайишида аҳамияти каттадир. Шира миқдори кўпайиб кетганда Маспилан 20% нам. кук -0,2 л/га, Конфидор 20% с.э.к. -0,3 л/га дорилардан бирортаси қўлланилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳамишлов беришни ҳосил етилишидан 30-кун илгари тўхтатиш шарт.

Кузги тунлам (Agrotis segetum.)

Ушбу тунлам экиннинг ёш ниҳоллик пайтида поя бандини илдиз бўғзидан кемириб зарар келтиради. Республикамиз шароитида ҳамма жойда учрайди. Кузги тунлам эрта баҳорда эртачи экинлар, август-сентябрь ойларида эса кечки экинлар, жумладан, қовун, тарвуз ниҳолларини зарарлайди. Бир йилда 2-5 бўғин берувчи бу зараркунандалар тарвуз, қовун, помидор, бақлажон ва бошқа экинларни зарарлайди.

Кураш чоралари. Кузги шудгор ва ўсимликнинг ўсиш даврида юқори агротехника ишларини амалга ошириш.

Биологик кураш. Кузги тунламнинг жинсий феромонидан фойдаланиб, ҳар бир пайкалда унинг ривожланиш даражасини белгилаб трихаграмма кушандаси тарқатилади.

Кимёвий кураш. Сабзавот экинлари ҳар бир $м^2$ да 1-2 тадан ортиқ кузги тунлам личинкаси аниқланганда амалга оширилади. Бунинг учун пиретироид инсектицидлар, ай-

ниқса, децис (0,7 л/га) трактор ёрдамида пуркаб, кетидан культивация ўтказиш ёки сув бериш яхши натижа беради. Иссиқхоналарда кўчат остига тайёр эритмани 100-150 мл қуйиб чиқиш зарур

Иссиқхона оққаноти (Trialeurodes vatorariorum)

Ўзбекистонда оққанотнинг 2 тури кенг тарқалган. Қовун, тарвуз, қовоқ ва бошқа экинларни жиддий зарарлайди. Ҳар қандай зараркунанда сингари, оққанотнинг зарари ҳам ўсимлик ривожининг қайси давридан бошлаб уни зарарлай бошлаганига боғлиқ бўлади. Ўсимлик қанчалик эрта зарарланса, шунча кўп ҳосилни йўқотиши мумкин. Оққанотлар йил давомида тўхтовсиз ривожланишга одатланган ҳашарот бўлгани туфайли, кўп бўғин (10-12 бўғин) беради.

Кураш чоралари. Агротехник: Алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик. Механик. Оққанот сонини камайтириш мақсадида сариқ экранлардан фойдаланиш. Биологик. Энкарзия паразитини 1:20, 1:10, 1:5 нисбатда қўллаш.

Кимёвий. Агарда оққанотларнинг миқдори кўп бўлганда қуйидаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади: (Бупрофезин) аппловуд, саффлауд, апплауд 25% н.кук. – 0,5 кг/га; (пирипроксифен) адмирал 10% эм.к. – 0,5 л/га;(ацетамиприд) комилот, нестер, энтоспилан, моспилан 20% н.к. – 0,3 кг/га; (имидаклоприд) багира, вулкан, командор, конфидор 20% эм.к. – 0,3-0,4 л/га.

Ўргимчаккана (Tetranychis urticae)



Ўргимчаккана ҳаммахўр зараркунанда ҳисобланиб, у 250 дан ортиқ ўсимликларни зарарлаб, сабзавот экилган ўсимлик ҳосилининг 50% га яқинини йўқотиши мумкин. Зараркунанда мева ва барг ҳужайрасининг ширасини сўриб озиқланади. Вақтида кураш тадбирлари ўтказилмаса, барглар ва мевалар тўкилиб кетади. Ўргимчакканинг катталиги 0.3-0.6 мм келади. Личинкасида 3 жуфт, нимфа ва имаголарида 4 жуфт оёқлари бўлади. Каналларнинг ривожланиши ёзда ҳар 8-12 кунда ўтса, кузда ва баҳорда 19 кунгача давом этади. Бир йилда 18-20 марта насл беради. Урғочи зотлари иссиқхоналар, парникларда ўсимлик қолдиқларида якка-якка ҳолда ёки тўп-тўп бўлиб қишлайди.

Кимёвий кураш, омайт, 57% к.эм. - 1,5 л/га (етук зотига, личинкасига); ниссоран, 10% н.кук. – 0,1 кг/га (тухумига); флумайт, 20% сус.к. - 0,2 л/га (етук зотига, личинкасига); ортус, 5% сус.к. – 0,75 л/га (етук зотига, личинкасига); вертимек, 1,8% эм.к. – 0,3-0,4 л/га (етук зотига, личинкасига) қўллаш зарур.

Қовун пашшаси (Miopardalis pardalina)

Қовун пашшаси май ойининг иккинчи декадасидан уча бошлайди. Она пашшалар қишловдан чиққандан сўнг 3-4 кун ўтгач, отаниб тухум қўяди. Республикамиз шароитида 3-4 та насл бериб ривожланади. Қовун пашшаси тарвуз экинларининг ўсиш даврида оналик гули, тугунча ҳамда меваларига тухум қўйиб, тухумдан чиққан личинкалари мевалар ичига кириб зарарлаши натижасида, олинадиган ҳосил истеъмолга яроқсиз ҳолга келади. Тарвуз меваларини, қовун пашшаси билан зарарланганлигини ташқи кўринишидан аниқлаш қийин. Мева ичидаги личинкаларга қарши кимёвий кураш ўтказиш самара бермаслигини ҳисобга олган ҳолда, пашшаларга қарши курашни олиб бориш зарур.

Агротехникаси. Ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, чуқур шудгор қилиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кеч кузда суғориш ва ерларни яхоблаш, пашша кузатилган далаларга қовунни қайта экмаслик тавсия этилади.

Кимёвий. Биринчи ишловни ўсимликнинг гуллаш давридан бошлаб,

3-4 марта пуркалади. Препаратлардан: Карбофос 50% к.э – 2 кг/га, Фуфанон 57% к.э – 1 кг/га, Пилигрим 24,7% к.э – 0,2 кг/га, Нестор 20% н.кук – 0,3 кг/га, Энджео 24,7% сус.к.-0,3 л/га меъёрида алмашлаб пуркаш тавсия этилади. Препаратларни бирортасини 300 литр сувга аралаштириб ишлов берилади.

Кимёвий ишлов берилган далаларга 2-3 кун ўтказиб, ўсимликни стрессдан чиқариш ва ривожланишини тезлаштириш учун таркибида гумин, фульво, гибберелл ва озиқа моддалар комплекси (N,P,K) микроэлементлар таркибида бор ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи препаратларнинг бирортаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

Ҳосилни йиғиштириш. Эртачи ва ўртаги навлар мева пишишига қараб 2-3 маротаба териб олинади.

13-Расм. Тарвуз мевасини техника ёрдамида териб олиш

Кузги навлар бир маротаба йиғиштириб олинади узоқ муддат сақлаб қўйиладиган навлари далада узилган ҳолатда офтобга тобланиб сўнгра сақлаш омборларига жойланади, сақлаш жараёнида 10-15 кун оралатиб мевалар ҳолати кузатиб борилади.

ЙИЛ БЎЙИ ЯНГИ ТАРВУЗ МАҲСУЛОТИ ЕТИШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Аҳолининг йил бўйи янги тарвуз маҳсулотларини истеъмол қилиш муддатини узайтириш усуллари:

1. Эртаги маҳсулот етиштиришнинг ҳар хил усулларини қўллаш.

2. Узоқроқ сақлаб қўйишга ярайдиган кечпишар навларни жорий этиш ва маҳсулотни сақлаб қўйиш усулларини такомиллаштириш.

Эртачи тарвуз маҳсулотларини етиштириш усуллари орасида тупроқни мульчалаш, экинни кўчатдан экиш, вақтинчалик плёнка-ёпқич остида кўчатидан ва уруғидан мульчалаб экиш, ҳимояланган иситиладиган ва иситилмайдиган иссиқхоналарда етиштириш каби усуллар қўлланилади.

Биринчи усул. Тупроқни мульчалаш. Мульчалаш иши уруғ экиш билан бир вақтда ёки экишдан кейин ўтказилади. Бунда экин қаторлари устига плёнка ёпилиб, унинг четлари тупроқ билан бостириб қўйилади. Экин майсалари пайдо бўлганидан кейин ўсимликларнинг юзага чиқиб олиши учун уларнинг устига тўғрилаб плёнкадан тешиклар очиб қўйилади.

14-Расм. Мульчалаш орқали тарвуз етиштириш технологияси

Плёнка ўсимликлар бутун вегетация даври давомида қолдирилиб, ҳосил тугагандан сўнг олиб ташланади. Бу усулда экин очиқ ерга экиш муддатидан бир-икки ҳафта илгари экилади.

Тупроқни мульчалаб кўчат билан экиш усулида ҳам эртаги маҳсулот олиш имкониятига эга бўлинади.

Кўчат тайёрлаш. Кўчат тайёрлаш учун чим ўсган тупроқ яхшилаб эланади. Эланган тупроққа 4:1 (тупроқ: чириган гўнг) нисбатда чириган гўнг солиб аралаштирилади. Агар гўнг чириган бўлмаса, янги гўнг 2-3 ой ёки камида 1 ой сувда чиритилади.

Бунда гўнг қисман зарарсизлантирилади, бегона ўтлар сув тагига тушади ёки унувчанлигини йўқотади. Тайёрланган аралашма 10x10x14 см ҳажмдаги полиэтилен стаканчаларига солинади. Бир гектарга 7,1-7,5 мингта, агар калта палакли нав бўлса, 10,5 мингта стаканча тайёрланади. Уруғлар тўрт муддатда экилади: биринчиси жуда эртачи ҳосил олиш учун декабрнинг учинчи ўн кунлигида ва иккинчиси февралнинг биринчи беш кунлигида. Учинчиси март ойининг биринчи ўн кунлигида, тўртинчиси ғалладан бўшаган ерлар учун май ойида экилади.

15-Расм. Тарвуз кўчатини тайёрлаш

Уруғлар униб чиқиб, кўчатлар 1-2 та чинбарг чиқарганда уларни биринчи озиқлантириш тадбири бажарилади. Бунда ҳар 10 литр сувга 13-15 грамм азотли, 18-20 грамм фосфорли ва 15-20 грамм калийли ўғитлар солиб эритилади ва суғорилади. Ушбу эритма ҳар 3-3,5 $м^2$ майдондаги кўчатларни озиқлантириш учун сарфланади. Кўчатларни иккинчи озиқлантириш уларни далага экишдан 10-15 кун олдин амалга оширилиб, бунда юқорида таъкидланган ўғитлар миқдори икки маротаба кўпроқ қўшилган ҳолда бажарилади. Кўчатлар 4 та чин барг пайдо бўлганда очиқ майдонга олиб чиқиб экилади.

Иккинчи усул. Экинни кўчатдан экиш. Тарвуз етиштиришни тезлаштиришнинг энг самарали усули очиқ ерларга экинни кўчатдан экишдир. Олинган ариқларга мульча қилиб оқ плёнка қопланади. Плёнка ҳар 70 см оралиғида тешиб чиқилади. Тешиб чиқилган жойларга фосфорли ўғит суюлтириб солинади. Суюлтирилган фосфорни тайёрлаш учун 10 литр сувга 2 кг аммофос ўғити солиниб қайнатилади ва эритилади.

16-Расм. Тарвузни кўчатидан далага экиш усули

Тайёрланган эритмани 10 л. сувда аралаштирилади ва ҳар бир уяга 1 литр ҳисобида қуйиб чиқилади. Бир гектар майдонга 100 кг фосфорли ўғит сарфланади. Бир гектарга 7100 дона кўчат ўтқазилади.

Учинчи усул. Вақтинчалик плёнка-ёпқич остида кўчатидан мульчалаб экиш. Вақтинчалик плёнкали-ёпқич остида ўстириш учун тарвузнинг тезпишар, қисқа палакли, касалликка чидамли навларидан фойдаланилади. Махсус таёрланган 35-45 кунлик кўчатлар экилиб бир қаватли дуга қилиб полиэтилен плёнка қопланади.

Ерга кўчат ўтқазилгандан ёки уруғ экилгандан кейин дарҳол туннель кўринишидаги плёнкали ёпқич ўрнатишга киришиш керак. Ҳар бир туннель ўртасидан суғориш жўяги ўтган тасма ернинг икки экин қаторини ёпади. Туннельнинг кенглиги 160-180 см, баландлиги 60-70 см, узунлиги (50-60 м) шароитга қараб бўлади.

Тасмалар орасидаги бўшлиқ 180-190 см бўлиб, очиқ қолдирилади ва у йўлак хизматини ўтайди. Кейинчалик бу йўлакка ўсимликнинг палаги жойлашади.

17-Расм. Вақтинчалик плёнка-ёпқич остида тарвуз етиштириш усули

Туннель ўрнатишда аввал унинг ёйсимон синч (каркас)и

ўрнатилади. Ёйсимон синч йўғонлик кесмаси 4-6 мм ва узунлиги 2,8-3,0 м симлардан тайёрланади. Ёйнинг учлари ерга 20-25 см ботирилади, оралиғи 1,0-1,5 м бўлади. Ёйлар бир-бирига 1-3 қатор қилиб, каноп (тизим) билан боғланади. Синчнинг устига туннель узунлигича қилиб 2,8-3,0 м кенгликдаги плёнка ёпилади, плёнканинг четлари тупроқ билан бостирилади. Туннелнинг иккала учида плёнкаларнинг учи қозиқларга боғлаб қўйилади.

1 гектар майдонга туннель қуриш учун 800-1000 кг плёнка, 1200-1300 кг пўлат сим, 200-250 та қозиқ ва 20-25 кг каноп ишлатилади.

Қулай об-ҳаво бошланганда кундузи туннель ён томонларининг бир неча жойидан очиб шамоллатилади.

Республикамизнинг вилоятларида эрта муддатда плёнка-ёпқичлардан термос усулидан фойдаланиш эртачи юқори ҳосил олиш ва иқтисодий самара олиш усулидир.

Тўртинчи усул – ғалладан бўшаган жойларга 30-35 кунли кўчатлар экилганда кеч кузга қолмай ҳосил йиғиб олинади. Кечки навлар териб олингандан кейин узоқ муддат сақланиш хусусиятига эга бўлади.

Ҳосилни йиғиштириш. Биринчи усулда ҳосил июнь ойининг учинчи декадасида, иккинчи усулда июнь ойининг биринчи ярмида ва учинчи усулда май ойининг учинчи ўн кунлигида узилади. Такрорий муддатда экилган тўртинчи усулда сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида мевалар пишиб етилади ва ёппасига териб олинади. Албатта, меваларнинг пишиб етилиш даври об-ҳаво, тупроқ шароити, экиш муддатлари, навларнинг эрта ёки ўртапишарлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

ҚОВУН ВА ТАРВУЗ МЕВАСИНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Қовун экишнинг аниқ мудддатини белгилашда, эртачи қовун билан бирга қишга сақланадиган қовун маҳсулоти олишни ҳам назарда тутиш керак. Қишки қовунларни эрта муддатда экиш жуда фойдасиздир, чунки эрта муддатда экилганда қовунлар ёзда пишади, меваларини узоқ сақлаб бўлмайди ҳамда бу даврда эса ширин-шакар ўртапишар қовунлар кўп бўлади. Кечпишар, қишда сақланадиган қовунларни улар мўл-кўл ҳосил берадиган ва қовунлари узоқ муддат сақланадиган, кечроқ пишиб етиладиган муддатларда экиш керак. Эрта ва ўртапишар қовунлар кеч муддатларда экилганида улар тез касалланади, бунинг натижасида ҳосил камаяди.

18-Расм. Қовун меваларини сақлаш усули

Қовун мевасини сақлаш муддатларига қараб кузги, қишки қовун навларини экишнинг муқобил муддатларини аниқлаб олиш зарур.

Ўзбекистон шароитида фақат кечки қилиб экилгандагина узоқ муддат сақланадиган қовун олиш мумкинлиги аниқланди. Масалан, Марказий вилоятларда ўсиш даври 115-130 кунлик ёки асосий ҳосил узиш 20-30 сентябрда ўтадиган навлар учун экиш муддати 20-25 майга, ўсиш даври 90-100 кун бўлганлари учун эса 10 июнда экишни муқобил кечки қовун экиш муддати деб топилди. Ушбу муддат тупроқ, иқлим шароитига қараб ўзгаради.

Қовунни узоқ муддат сақлашда осиб асраш энг яхши усул ҳисобланади. Қовунхонанинг деворлари пахса ёки хом ғиштдан кўтарилади. Бунда пойдевор қисмининг кенглиги 1 м гача олинади. Юқорига кўтарилган сайин 40-50 см гача торайиб боради. Қалин деворлар қовун сақлаш мавсумида хона ичида ҳамиша ҳарорат бир хил бўлишини таъминлайди. Бинонинг баландлиги 5-6 м бўлиб, шипидан очилган 90-100 см қопқоқли туйнук бинони шамоллатиб туриш учун хизмат қилади. Бино ичида 80-90 см оралатиб, бир неча қатор устунлар бўлиб, уларга 60-70 см оралиқда, диаметри 10-12 см ли ходачалар, жами 5-6 қават қилиб қоқилади, ходачаларнинг ўзига ҳам 30-40 см оралиқда мих қоқилиб, чипта билан боғланган қовунлар осилади. Қовун мана шундай хоналарда ҳарорат +2+5 °С бўлган шароитда сақланади. Ҳавонинг ҳарорати кўтарилса, дарҳол шамоллатиб совитилади. Маҳсулотни совуқ уриш хавфи туғилганда эса қопқоқ ёпилиб, хона ичи иситилади. Ҳосил махсус қовунхонада осиб сақланганда ҳолатини доимо назорат қилиш имкони туғилади ва уларнинг бузилишига йўл қўйилмайди. Бу усул амалда синалган бўлиб, яхши натижа беради.

Пайраха тўпони ёки похол тўшалган сўкчакларга қовунни ётқизиб, жойлаб сақлаш ҳам анча қулай усул. Аммо сўкчаклардаги қовунлар тезроқ айниб қолади, чунки унинг сўк-

чакка тегиб ётган жойи заҳарланади, шу сабабдан кўп чиқит чиқиши мумкин. Пайраха тўпони, ғўза ёки похолдан қилинган чамбаракларга тикка ўрнатиб жойлашган қовунлар, ётқизиб қўйилганига қараганда яхши сақланади, уларни қараб туриш ҳам осон бўлади. Пайрахалардан қилинадиган чамбаракнинг диаметри 18-20 см, баландлиги 6-8 см бўлади, уларни бир неча йил давомида ишлатиш мумкин.

Қовунни узоқ муддат сақлашда иқлим шароити ва ҳарорати муҳим роль ўйнайди. Қовун паст ҳароратда узоқроқ сақланади, яъни паст ва доимий ҳароратли кунлар қанчалик кўп бўлса, қовунлар ҳам шу қадар яхши тураверади.

Сақланаётган қовуннинг касалланиши. Қовун маҳсулотларида пайдо бўладиган камчиликлар билан кураш тадбирлари қуйидагилардан иборат:

1. Омборнинг нисбий намлиги қовунларда нам томчилар пайдо бўлишига имкон бермайдиган даражада бўлиши, қовуннинг терлашига йўл қўймаслик лозим.

2. Қовуннинг яхлитлиги ва ҳужайраларнинг тургор ҳолати бир меъёрда бўлишига эришиб, у тез сўлиб қолмаслиги учун омборхонани ҳаддан ташқари кўп шамоллатмай, ҳарорат доимо бир хилда 0 ^{O}C га яқин бўлиши шарт. Сақланадиган ҳосилнинг мева бандлари яхшилаб кесилган ва 2-3 см узунликда қолдириб бир меъёрда сўлитиб олинган бўлиши керак. Омборхона ҳажмининг ҳар бир квадрат метрига 100 г ҳисобидан олтингугурт куйдириш мақсадга мувофиқдир.

Узоқ муддат сақлашга мўлжалланган, қишки тарвуз навлари тўла пишмасдан туриб ёки етилишидан бир неча кун илгари 2-3 см узунликдаги мева бандлари билан бирга узиб олинади. Тарвуз мевалари сақлаб қўйилганида этининг ранги бир қадар ўзгаради-ю, лекин таркибидаги қандлар миқдори кўпаймайди ва этининг мазаси ҳам унча ўзгармай-

ди. Тарвуз сақланадиган ҳарорат +2-3 °С, ҳавонинг нисбий намлиги 60-80% бўлиши керак. Қишда тарвуз қуруқ, атрофи яхши ўралган оддий музламайдиган омборларда сақланади. Улар юмшоқ похол тўшамали токчаларга 1-3 қатор қилиб жойлаштирилади, ҳар бир қатор орасига похол солинади. Тарвузни жойлашдан олдин омборлар зарарсизлантирилади, тарвуз эса 2% ли оҳак чангида чангланади.

Қовунни қайта ишлаш усуллари

Қовун ғарқ пишган даврида узоқ масофага жўнатиб сотиш юмуши анча мушкул ва исрофгарчилик билан боғлиқ. Шунинг учун қовунни қайта ишлашни йўлга қўйиб, улардан қандолатчилик саноатида ҳамда уй шароитида мураббо, қиём, цукат, пирог, пряниклар ва печенье тайёрлашда фойдаланилади. Қовун этидан қуёш нурида қуритилиб қоқилар тайёрланади.

Қовун мураббоси. Қовун эти ширали қиёмда пиширилгани мураббо дейилади. Мураббо тайёрлаш учун қовунлар дастлаб пўсти арчилиб уруғлари ажратиб олинади ва эни 15-20 ёки 20-30 мм дан майдалаб қирқилади.

19-Расм. Қовун мурrабоси тайёрлаш усули

Тайёрланган қовун бўлаклари иссиқ 70-80 даражадаги 70-75 фоизли концентрациядаги шакар эритмасига солинади. 2 кг мевага 1,3 литр эритма сарфланади ва 3-4 соат давомида ушлаб турилади, ундан кейин мураббо тайёр бўлгунча паст оловда аста қайнатилади.

Қовун джеми. Жем қовун мевасининг шакар эритмасида пиширилгани бўлиб, қуюқ, ёйилиб оқиб кетмайдиган кўринишда бўлади.

Қовун повидлоси. Повидло тайёрлаш учун қовун мевасини бўлакчаларга бўлиб қирғичдан ўтказилади, шакар билан аралаштирилади,

(1 қисм шакарга 1,25 бўтқа) ва паст оловда қайнатилади. Повидло шакари 25 фоиздан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Қовун мармелади (цукат). Қовун мармеладини тайёрлаш мураббоникига ўхшаш бўлади. Бироқ унда кесилган бўлакчалар шарбатдан сузиб олиб қуритилади. Қовун мевасини бўлакчаларини шакарли қиёмда тўйинтирилгандан сўнг шарбатдан ажратиб, қуруқ моддаси 80 фоизли бўлгунга қадар қуритилади. Булардан ташқари, қовундан қуруқ мураббо, қовун асали ёки шинниси ва қовун компоти ҳам тайёрлаш мумкин.

Қовун қоқи тайёрлаш. Қовунни офтобда оддий усул билан қуритиш учун майдончалар, ҳовлилар атрофи очиқ, қуёш нури яхши тушиб турадиган ва мумкин қадар йўллардан узоқда бўлиши керак. Қовун қуритиш махсус жиҳозланган илгакларда амалга оширилади. Бунинг учун баландлиги 170 см бўлган диаметри 6х6 см рейкалардан дастгоҳлар ясалиб, бу рейкаларнинг ҳар иккала томонига учбурчак асосли кенглиги 1 метрли тирговичлар 2,5 м масофада ўрнатилиб, яна рейкалар билан мустаҳкамланади.

20-Расм. Қовун қоқисини тайёрлаш технологияси.

Ҳар иккала томондан 4-5 қатор қилиб, 35-40 см масофада сим ёки эшилган каноп тортилади.

Қовун этининг тиғизлик даражасига қараб уни қуритиш ва қирқишнинг турли усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Эти тиғиз бўлган навларни оддий усулда илмоқларда қуритиш мумкин. Юмшоқ этли навларни қирқиб осиш пайтида эти узилиб кетади, шунинг учун уларни тозалангандан ва қирқилгандан кейин сўкчакларга ёйиб, 2-3 кун давомида қуритилади, сўнгра яхши қуриб етилиши учун зангламайдиган симларга осиб қўйилади.

21-Расм. Қовун қоқисини тайёрлаш усули

Об-ҳаво шароитига ва қирқилган қовун бўлакчалари қалинлигига кўра, қуритиш ишлари 6 дан 12 кунгача давом этади. Қовун ўртасидан тенг икки бўлакка ажратилиб уруғи

олинади. Кесилган икки палла ҳам бўлакчаларга бўлиниб, ҳар бир бўлакча қалинлиги 3-4 см бўлади ва ёйиладиган томондан узунасига қирқиб пўстидан ажратилган ҳолда бир жуфт қилиб қуритиш учун осиб қўйилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри. – Тошкент, 2018. б 53-56.

3. Туркия Республикаси “Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги” ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китоб”дан иборат тўплами.

4. Балашев Н.Н. “Полизчилик” Тошкент, 1975. б 17-25, 98-99.

5. Бўриев Х.Ч., Ашурметов О.А Полиз экинлари биологияси ва етиштириш технологияси Тошкент – 2000. б 31-34-.

6. Ҳакимов Р.А., Ҳалимова М., Расулов Ф., Алимуҳаммедов С.С Қовундан юқори сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиялар. Тошкент – 2017. б 3-10.

7. Ҳакимов Р.А., Ҳакимов А.С., Тошмуҳаммедов А.А. Сабзавот полиз экинлари уруғчилиги. Тошкент, 2003. б 144.

8. Алимуҳаммедов С.С., Холдоров М.У. Уруғдорилагич препаратларининг қовун ва тарвуз уруғлари унувчанлигига таъсири//“Республикада сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштириш истиқболлари, муаммолари ва ечимлари” Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, 2019. – б 375-379.

9. Алимуҳамедов С.С., Полиз экинлари уруғлари микрофлорасига уруғдорилагичларни антоганистик

хусусиятларини ўрганиш. //“Қишлоқ хўжалиги экинларини зарарли организмлардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари” мавзусидаги Академик Султон Нурматович Алимуҳаммедовнинг 90 йиллик хотирасига бағишланган Халқаро илмий-амалий конференция – Тошкент, 2019.-б 330-335.

10. Alimukhamedov S.S., Kholdorov M.U. The influence of seed treating preparations on germinability of the seeds of melon and watermelon. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). Voloume: 4, Issue: 7, July 2019, page 15-17.

11. Б.О. Абдолниёзов., Г.С. Гулимов Хоразм қовунлари // Урганч – 2008 й .

42.347
Қ 52

Қовун ва тарвуз етиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 88 б.

ISBN 978-9943-7167-2-8

УЎК 634.8.032:635.64
КБК 42.347

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

ҚОВУН ВА ТАРВУЗ ЕТИШТИРИШ

16-китоб

Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021

Таржимонлар:
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусаҳҳиҳ:
М. Тожимаматова

Компьютерда тайёрловчилар:
З.Б. Хошимов, Н.С. Сайидаҳмадов

Дизайнер:
А.Х. Комилов

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 16.04.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 830 нусха. Буюртма рақами: 1112

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.